Азизлар, адолатли, меҳр-оқибатли бўлайлик!

Ишонч

22

1993 йил 29 май 4-июнь (115)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ҳафталик газетаси

— Бу қандай гул?
— Момақаймоқ, Пуфласанг учар-кетар. Пуфлаб кўрди уч ўрток, Тўзғиди бесанок пар.

ДИҚҚАТ: КОНКУРС!

Маълумки, ҳар қандай иқтисодиётнинг кони нефтдир! Жамиятнинг ривожланиши ва халқнинг турмуш даражаси кўп жиҳатдан ана шу бойлигимизга боғлиқ. Шунинг учун ҳам баъзан «қора олтин»нинг нархи тиллодан ҳам қимматлироқ бўлиб қолади.

Бутун дунёда эса бензин, мазут, солярка ва нефтдан олинадиган минглаб хилдаги маҳсулотларнинг ҳар бир литрини тежаб ишлатиш одат тусига кирган.

Шу муносабат билан «Ўздавнефтмаҳсулоти» акционерлик бирлашмаси ва Ўзбекистон журналистлар Уюшмаси нефть маҳсулотларини тежаб ишлатиш ва иқтисодий масалаларнинг илғор тажрибаларини оммавий ахборот воситаларида энг яхши ёритиш ҳамда тарғибот қилиш бўйича

РЕСПУБЛИКА КОНКУРСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурсда барча профессионал журналистлар, штатсиз муаллифлар, газета, журнал, телевидение ва радио таҳририятларининг жамоалари иштирок этишлари мумкин. Тақдим этиладиган ва хоҳланган жанрда ёзилган ва чекланмаган хажмда бўлиши мумкин. Ёнилғи — мойлаш материалларини тежашда амалий жиҳатдан аҳамият касб этадиган ишларнинг кўпи ғолиб бўлиши мумкинлигини унутманг!

Ғолибларга қуйидаги пул мукофотлари белгиланган:

Республика газета ва журналлари, телевидение ва радиоси ўртасида:

1-ўрин — 50 минг сўм
2-ўрин — 30 минг сўм
3-ўрин — 20 минг сўм

Ҳар бири 10 минг сўмдан бешта рағбатлантирувчи мукофот.

Вилоят, шаҳар ва районларнинг кўп нусхали газета ва журналлари таҳририятлари ўртасида:

1-ўрин — 40 минг сўм
2-ўрин — 20 минг сўм
3-ўрин — 10 минг сўм

Ҳар бири беш минг сўмдан бешта рағбатлантирувчи мукофот.

Шунингдек, конкурсга журналистларнинг алоҳида ишлари ҳам қабул қилиниб, уларга қуйидаги миқдорда пул мукофотлари белгиланди:

1-ўрин — 40 минг сўм
2-ўрин — 20 минг сўм
3-ўрин — 10 минг сўм

Ҳар бири уч минг сўмдан бешта рағбатлантирувчи мукофот.

Ғолибларнинг ҳаммаси диктофон, видеокассета, телефон ва қимматбаҳо совғалар билан ҳам тақдирланадилар. Бундан ташқари конкурснинг фаол иштирокчиларига ҳам совға ва пул мукофотлари белгиланди.

Ижодий ишларни расмийлаштирган ҳолда журналистлар Уюшмасининг вилоят ташкилотига ёки тўғридан-тўғри Ўзбекистон журналистлар Уюшмасининг бошқарувига юбориш керак.

Манзилгоҳ: 700129, Тошкент, Навоий кўчаси 30-уй. Ўзбекистон журналистлар Уюшмасининг конкурсига.

Ижодий ишлар 1993 йилнинг 31-декабригача қабул қилинади.

Конкурсда қатнашувчиларга омад тилаймиз!

Хабарлар мағзи

● **23—25 май кунлари Ҳиндистон Бош вазири Нарасимха Рао бошчилигидаги ҳукумат делегацияси расмий ташриф билан Ўзбекистон Республикасида бўлди. Ўзбекистон ва Ҳиндистон Республикалари ўртасида ўзаро ҳамкорлик муносабатларига оид муҳим ҳужжатлар имзоланди.**

● **КУНДАЛИК** газеталарда **«Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида; «Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонунларининг тўлиқ матни берилган.**

● **ЎЗБЕКИСТОН Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласини мамлакатимизда яшаётган тожикзабон аҳоли ҳам ўз она тилида ўқиш имкониятига эга бўлди. Китобни «Ўзбекистон» нашриёти чоп этди.**

● **МАМЛАКАТИМИЗ Президенти Ислом Каримовнинг «Труд» газетаси саволларига берган жавоблари матни республикамизнинг кундалик газеталарида ўзбек ва рус тилларида эълон қилинди.**

Касаба уюшмаларида

«Ишонч» мухбирлари хабар қиладилар:

● **ХОРАЗМ вилояти касаба уюшмалари кенгаши Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг қурбон ҳайити муносабати билан эълон қилинган мурожаатига жавобан ночор оилалар, етим-есирларга хайр-эҳсон улашишга қаратилган хайрия тадбирларини ишлаб чиқди.** Унга биноан Хивадаги 20-сонли болалар уйи ҳамда Урганчдаги чақалоқлар уйига, ўнлаб ночор оилаларга моддий ёрдам бериш учун кенгаш фондидан 10 минг сўм ажратилди. Шунингдек, ҳаж сафарига жўнаб кетган 19 хоразмликнинг яхши бориб келиши учун шарт-шароитлар яратилади.

● **ЭЛЛИҚҚАЛЪА районида яна бир санаторий-профилакторий қурилиши учун қозиқ қоқилди.** Янги шифохона Оқчакўлнинг энг хушманзара жойида бунёд этилади. Унинг қурилишини маблағ билан таъминлашни Қорақалпоғистон автомобиль ва тош йўллар қурилиши, «Сув қурилиши», автотранспорт, «Орол сув қурилиши» вазирликлари ҳамда бирлашмалари ўз зиммасига олди.

Шу йил охирларида эса Оқчакўл соҳилларида Элликқалъа тўқимачилик комплекси, Қорақалпоғистоннинг вазирликлари ва йирик ташкилотлари, концернлари ҳисобидан яна тўртта санаторий қуришга киришиладди.

«Сарабий» жамоа хўжалигида бунёд этилаётган халқ таълими ходимлари санаторий-профилакторийсида эса энг сўнгги пардозлаш ишлари олиб борилаяпти. 50 ўринли бу саломатлик маскани табаррук кун — республикамиз Мустақиллиги нишонланадиган 1-сентябрь байрамига танатанали вазиятда фойдаланишга топширилади.

● **ЎРТА ОСИЁ темир йўли ходимлари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси қўмитасининг бўлиб ўтган мажлисида тармоқ ишчи-хизматчиларининг ҳуқуқ ва кафолатларини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси қонунларига риоя қилиш ҳақидаги масала муҳокама қилинди.** Бу ҳусусида кўмита раиси А. Д. Абдуллаевнинг маърузаси тингланди. Мажлисда Ўрта Осиё темир йўли бошлиғи В. М. Желтоухов қатнашди.

● **НАМАНГАН тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси маъмурияти ва касаба уюшмаси қўмитаси бозор иқтисодиётининг бугунги мураккаб босқичида ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялашнинг турли шакл ва усулларидан унумли фойдаланмоқда.** Бу ерда меҳнат қилаётган ҳар бир ишловчига тушлик овқат учун кунига 30 сўмликдан патта берилади, у ўз ёнидан атиги 10 сўмгина пул қўшиб уч хил овқат турини истеъмол қилиши мумкин.

Бундан ташқари айрим рўзғор кийимчиликларини бартараф этишда ҳам бевосита ёрдам кўрсатилмоқда. Чунончи, бирлашма биносининг биринчи қаватида радио ва телевизор тузатиш устахонаси фаолият кўрсата бошлади.

МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ушбу Қонун ишлаб чиқариш усуллари, мулк шаклидан қатъий назар, меҳнатни муҳофаза қилишни ташкил этишнинг ягона тартибини белгилайди ҳамда фуқароларнинг соғлиғи ва меҳнати муҳофаза қилинишини таъминлашга қаратилган.

I БЎЛИМ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Фуқароларнинг меҳнатни муҳофаза қилинишига бўлган ҳуқуқлари

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар меҳнатни муҳофаза қилиниши ҳуқуқига эгадирлар.

2-модда. Меҳнатни муҳофаза қилиш

Меҳнатни муҳофаза қилиш — бу тегишли қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида амал қилувчи, инсоннинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ва иш қобилияти сақланишини таъминлашга қаратилган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена ва даволаш-профилактика тадбирлари ҳамда воситалари тизимидан иборат.

3-модда. Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунлар ва қонуннинг қўлланиш соҳаси

Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунлар ушбу Қонун ва унга мувофиқ чиқариладиган бошқа меъёрий ҳужжатлардан иборат бўлади.

Ушбу Қонун мулк ва хўжалик юритиш шакли турлича бўлган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар* билан, шу жумладан айрим ёлловчилар билан меҳнат муносабатларида турган барча ишловчилар; кооперативларнинг аъзолари, ишлаб чиқариш амалиётини ўтаётган олий ўқув юртлари талабалари, ўрта махсус ўқув юртлари, ҳунар-техника билим юртлари ва умумий таълим мактабларининг ўқувчилари; корхоналарда ишлашга жалб этиладиган ҳарбий хизматчилар; муқобил хизматни ўтаётган фуқаролар; суд ҳукми билан жазони ўтаётган шахслар, ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасалари корхоналарида ёки ҳукмлар ижроси амалга оширувчи идоралар белгилайдиган корхоналарда ишлаш даврида, шунингдек жамият ва давлат манфаатларини кўзлаб ташкил этиладиган бошқа турдаги меҳнат фаолияти иштирокчиларига нисбатан амал қилади.

4-модда. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсати

Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсати:

корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти натижаларига нисбатан ходимнинг ҳаёти ва соғлиғи устиворлиги;

меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни иқтисодий ва ижтимоий сиёсатнинг бошқа йўналишлари билан мувофиқлаштириб бориш;

мулк ва хўжалик юритиш шаклларидан қатъий назар, барча корхоналар учун меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ягона тартиб-қоидалар белгилаб қўйиш;

меҳнатнинг экология жиҳатидан хавфсиз шароитлари яратилишини ва иш жойларида атроф-муҳит ҳолати мунтазам назорат этилишини таъминлаш;

корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш талаблари ҳамма жойда бажарилишини назорат қилиш;

меҳнатни муҳофаза қилишни маблағ билан таъминлашда давлатнинг иштирок этиши;

олий ва ўрта махсус ўқув юртларида меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассислар тайёрлаш;

хавфсиз техника, технологиялар ва ходимларни ҳимоялаш воситалари ишлаб чиқилиши ва жорий этилишини рағбатлантириш;

фан, техника ютуқларидан ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ватанимиз ва чет эл илғор тажрибасидан кенг фойдаланиш;

ишловчиларни махсус кийим ва пойафзал, шахсий ҳимоя воситалари, парҳез овқатлари билан бепул таъминлаш;

корхоналарда меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шарт-шароитларини яратишга кўмаклашувчи солиқ сиёсатини юритиш;

ишлаб чиқаришдаги ҳар бир бахтсиз ҳодисани ва ҳар бир касб касаллигини текшириб чиқиш ҳамда ҳисобга олиб боришнинг ва шу асосда ишлаб чиқаришдаги жароҳатланишлар ҳамда касб касалликларига чалинишлар даражаси ҳақида аҳолини хабардор қилишнинг мажбурийлиги;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалардан жабрланган ёки касб касаллигига йўлиққан ишловчиларнинг манфаатларини ижтимоий ҳимоялаш;

касаба уюшмалари ва бошқа жамоат бирлашмалари, корхоналар ва алоҳида шахсларнинг меҳнатни муҳофаза қилишни таъминлашга қаратилган фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

меҳнатни муҳофаза қилиш муаммоларини ҳал этиш чоғида халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш принципларига асосланади.

5-модда. Меҳнатни муҳофаза қилишни давлат томонидан бошқариш

Меҳнатни муҳофаза қилишни давлат томонидан бошқаришни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси амалга оширади.

6-модда. Жамоат бирлашмаларининг меҳнатни муҳофаза қилиш муаммоларига оид қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишда иштирок этиши

Корхоналар, мутахассислар, фуқаролар меҳнатни муҳофаза қилиш муаммоларини ҳал этиш учун Ўзбекистон Республикасининг жамоат бирлашмалари тўғрисидаги қонунига мувофиқ амал қиладиган жамоат бирлашмаларига уюшишлари мумкин.

Давлат ва хўжалик бошқаруви идоралари, назорат қилиш идоралари, шунингдек корхоналар бу бирлашмаларга ҳар томонлама ёрдам ва мадад кўрсатадилар ҳамда меҳнатни муҳофаза қилишни таъминлаш масалалари бўйича қарорлар тайёрлаш ва қабул қилишда улар ишлаб чиққан низомлар ва тавсияларни ҳисобга оладилар.

7-модда. Меҳнатни муҳофаза қилишга оид халқаро шартномалар

Ўзбекистон Республикаси корхоналари ва фуқаролари халқаро шартномалар ва битимлар асосида ишларни бажараётганларида, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича уларда кўзда тутилган талаблар агар ўзгача шартлашилмаган бўлса, ушбу қонунга Ўзбекистон Республикасининг меҳнат тўғрисидаги қонунларига мувофиқ қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси корхоналарида ишлаётган чет эл фуқаролари учун меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларига доир муносабатларни тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари манфаатдор томонларнинг ўзаро битимлари билан белгилаб қўйилади.

II БЎЛИМ. МЕҲНАТНИНГ МУҲОФАЗА ҚИЛИНИШИНИ ТАЪМИНЛАШ

8-модда. Меҳнат муҳофазасини меъёрий таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан биргаликда меҳнатни, атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг илмий асосланган стандартлари, қоида ва меъёрларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш йўли билан ишлаб чиқаришда меҳнат хавфсизлигини таъминлаш учун зарур бўлган талаблар даражасини белгилайди, шунингдек касаба уюшмалари билан келишилган ҳолда меҳнат шароитларини яхшилаш, ишлаб чиқаришдаги жароҳатланишлар, касб касалликларининг олдини олишга оид республиканинг аниқ мақсадга қаратилган дастурларини ишлаб чиқади ва молиявий таъминлайди ҳамда уларнинг бажарилишини назорат қилади.

Вазирликлар ва идоралар тегишли касаба уюшмаси идоралари билан келишилган ҳолда меҳнат шароитларини яхшилашга оид тармоқ дастурларини ишлаб чиқадилар ва молиявий таъминлайдилар.

Корхона маъмурияти, ёлловчи, мулкдор ёхуд улар ваколат берган бошқарув идораси* корхонада меҳнатни муҳофаза қилиш стандартлари, қоида ва меъёрларининг талаблари, шунингдек жамоа шартномасида кўзда тутилган мажбуриятлар бажарилишини таъминлайди.

Корхоналарнинг ишловчилари республиканинг тегишли қонунлари ва меъёрий ҳужжатлари, жамоа шартномалари билан белгиланган меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва меъёрлари талабларига риоя этишлари шарт.

9-модда. Корхоналар ва объектларни лойиҳалаб, қуриш ва ишлатишда, ишлаб чиқариш воситаларини тайёрлаш ва таъмирлашда меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилишини таъминлаш

Стандартлар, эргономика, меҳнатни муҳофаза қилишга доир қоидалар ва меъёрлар талабларига жавоб бермайдиган ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотларини лойиҳалаш, қуриш ҳамда қайта қуриш, ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқиш, тайёрлаш, таъмирлаш, технологияларни жорий этишга, шу жумладан хориждан сотиб олинганларини жорий этишга йўл қўйилмайди.

Ҳеч бир янги ёки қайта қурилаётган корхона, ишлаб чиқариш воситалари, агар улар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда бериладиган хавфсизлик шаҳодатномасига эга бўлмаса, фойдаланишга қабул қилиниши ва ишга туширилиши мумкин эмас.

Белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши лозим бўлган корхоналар Ўзбекистон Республикасининг тегишли назорат идоралари берадиган фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини таъминловчи рухсатномани олдиндан тақдим этишлари шарт. Корхонанинг кўрсатилган рухсатномани олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Меҳнат хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган ва ишловчилар соғлиғи ҳамда ҳаётига хавф туғдирувчи корхоналар фаолияти ёки ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш, улар меҳнат хавфсизлиги талабларига мувофиқ ҳолда келтирилгунга қадар, Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда ваколатли идоралар томонидан тўхтатиб қўйилиши керак.

Йўл қўйиладиган энг кўп меъёрлари (концентрацияси) ишлаб чиқилмаган ва белгиланмаган тартибда экспертизадан ўтмаган зарарли моддаларни ишлаб чиқаришда қўллаш тақиқланади.

10-модда. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассислар тайёрлаш

Ўзбекистон Республикасида давлат ва корхоналар олий ва ўрта махсус ўқув юртларида корхоналарнинг меҳнатни муҳофаза қилиш хизматларида ишлаш учун мутахассислар тайёрлашни таъминлайдилар.

Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари халқ хўжалиги турли тармоқларидаги ишлаб чиқариш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда талабалар ва ўқувчилар меҳнатни муҳофаза қилиш курсини албатта ўтишларини ташкил этишлари керак.

Вазирликлар, идоралар, концернлар, ассоциациялар ва бошқа хўжалик бошқаруви идоралари меҳнатни муҳофаза қилиш тизимида ишнинг қайта ихтисослашувини таъминлайдилар.

11-модда. Меҳнатни муҳофаза қилишни молиявий таъминлаш давлат томонидан, шунингдек мулк шаклидан қатъий назар жамоат бирлашмалари, корхоналарнинг ихтиёрий бадаллари ҳисобига амалга оширилади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш учун тегишли бюджетлардан алоҳида қайд билан ажратиладиган бюджет маблағлари (республика ва маҳаллий) бошқарув ҳамда назорат идораларини сақлаш, илмий-тадқиқот ишларини молиявий таъминлаш, меҳнатни муҳофаза қилишга оид давлатнинг аниқ мақсадга қаратилган дастурларини бажариш учун фойдаланилади.

Ҳар бир корхона меҳнатни муҳофаза қилиш учун зарур маблағларни жамоа шартномасида белгиланадиган миқдорда ажратади. Корхоналарнинг ходимлари ана шу мақсадлар учун қандайдир қўшимча чиқим қилмайдилар.

Корхоналар ўзининг хўжалик, тижорат, ташқи иқтисодий ва бошқа фаолиятидан келадиган фойда (даромад), шунингдек бошқа манбалар ҳисобига меҳнатни муҳофаза қилишнинг марказлаштирилган фондларини ташкил этиш ҳуқуқига эга. Меҳнатни муҳофаза қилиш фондига қаратиладиган фойдага солиқ солинмайди.

Меҳнатни муҳофаза қилишга мўлжалланган маблағларни бошқа мақсадларга ишлатиш мумкин эмас.

Фондларни ташкил этиш ва улардан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши иштирокида белгиланади.

12-модда. Меҳнатни муҳофаза қилиш воситаларини яратиш ва ишлаб чиқаришдан корхоналарнинг иқтисодий манфаатдорлигини таъминлаш

Корхоналар фойдасининг меҳнатни муҳофаза этишга оид адабиётлар, плакатлар, бошқа тарғибот воситаларини нашр этиш ҳисобига ҳосил бўлган қисмига, шунингдек илмий-тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик ташкилотлари фойдасининг жамоани ва ишловчиларни якка тартибда ҳимоялаш воситаларининг янгиларини яратиш, ишлаб чиқариш муҳитини назорат қилиш асбоблари ва дозиметрия воситаларининг янгиларини яратиш, ишлаб чиқариш ва мавжуд воситаларни сотиш ҳисобига ҳосил бўлган қисмига имтиёзли солиқ солинади.

13-модда. Корхоналарда меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шароитларини таъминлаш

Корхонадаги, ҳар бир иш жойидаги меҳнат шароити меҳнатни муҳофаза қилиш стандартлари, қоида ва меъёрлари талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

Корхонада меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шароитларини таъминлаш, ишлаб чиқаришнинг хавфли ва зарарли омиллари устидан назорат ўрнатилишини ташкил этиш ва назоратнинг натижалари тўғрисида меҳнат жамоаларини ўз вақтида хабардор қилиш маъмурият зиммасига юкланади.

Меҳнат шароити зарарли ва хавфли ишлаб чиқаришларда, шунингдек ўта нохуш ҳароратли ёки ифлосланишлар билан боғлиқ шароитларда бажариладиган ишларда меҳнат қилувчиларга давлат бошқаруви идоралари белгилаган меъёрларда махсус кийим, пойафзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари, ювиш ва дезинфекциялаш воситалари, сут ёки унга тенглашадиган бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари, парҳез овқат бепул берилади.

Корхонада меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шароитларини таъминлаш юзасидан маъмурият билан ходимларнинг ўзаро мажбуриятлари жамоа шартномаси ёки битимида кўзда тутилади.

14-модда. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари

Вазирликлар, идоралар, концернлар, ассоциациялар, бошқа хўжалик органлари касаба уюшмалари Марказий (республика) қўмитаси билан келишиб ўзлари тасдиқлайдиган низомга мувофиқ меҳнат муҳофазаси ишларини мувофиқлаштириб борадилар.

Ходимлар сони 50 нафар ва ундан ошадиган корхоналарда махсус тайёргарликка эга шахслар орасидан меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари тузилади (лавозимлар жорий этилади), 50 ва ундан зиёд транспорт воситаларига эга бўлган корхоналарда эса бундан ташқари йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари тузилади (лавозимлар жорий этилади). Ходимлар сони ва транспорт воситалари миқдори камроқ корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг вазифаларини бажариш раҳбарлардан бирининг зиммасига юкланади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш ва йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари касаба уюшмаси қўмитаси билан келишилган низомлар асосида ишлайди ва ўз мақомига кўра корхонанинг асосий хизматларига тенглаштирилади ҳамда унинг раҳбарига бўйсунади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш хизматларининг мутахассислари барча ходимлар меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва меъёрларига риоя этишларини назорат қилиш, тармоқ бўлинмалари раҳбарларига аниқланган нуқсонларни бартараф этиш ҳақида бажарилиши шарт бўлган кўрсатмалар бериш, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларни бузаётган шахсларни жавобгарликка тортиш ҳақида корхоналарнинг раҳбарларига тақдимномалар киритиш ҳуқуқига эгадирлар.

Меҳнатни муҳофаза қилиш ва йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматларининг мутахассислари уларнинг хизмат вазифаларига тааллуқли бўлмаган ишларни бажаришга жалб этилишлари мумкин эмас.

Меҳнатни муҳофаза қилиш ва йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари корхона фаолияти тўхтатилган тақдирдагина тугатилади.

15-модда. Ходимларни бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан ижтимоий суғурта қилиш

Корхоналарнинг ходимлари Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда ва шартлар билан бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий суғурта қилинишлари шарт.

III БЎЛИМ. ИШЛОВЧИЛАРНИНГ МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШГА ДОИР ҲУҚУҚЛАРИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШДАГИ КАФОЛАТЛАР

16-модда. Ишга қабул қилишда меҳнатни муҳофаза қилиш ҳуқуқи кафолатлари

Меҳнат шартномаси (битими) шартлари меҳнатни муҳофаза қилишга оид қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг талабларига мувофиқ бўлиши шарт.

Фуқароларни уларнинг саломатлигига зид бўлган ишга қабул қилиш ман қилинади.

Маъмурият ходимни касб касаллигининг пайдо бўлиш эҳ-

---

* Матнда бундан кейин «корхоналар» деб юритилади.

* Матнда бундан кейин «маъмурият» деб юритилади.

тимоли юқори даражада эканлиги олдиндан аён бўлган ишга қабул қилаётганда уни бу ҳақда огоҳлантириши шарт.

17-модда. Мажбурий медицина кўриклари

Корхона соғлиқни сақлаш идоралари томонидан белгиланган тартибга мувофиқ равишда бир қатор касблар ва ишлаб чиқаришларнинг ходимларини меҳнат шартномасини имзолаш пайтида — дастлабки тарзда ва меҳнат шартномаси амал қиладиган даврда вақти-вақти билан тиббий кўриклардан ўтказишни ташкил қилиши шарт. Ходимлар тиббий кўриклардан ўтишдан бош тортишга ҳақли эмаслар.

Ходимлар тиббий кўриклардан ўтишдан бош тортсалар ёки ўтказилган текширишларнинг натижалари бўйича тиббий комиссиялар берадиган тавсияларни бажармасалар, маъмурият уларни ишга қўймаслик ҳуқуқига эгадир.

Ходим, агар у ўзининг саломатлигини ёмонлашиши меҳнат шароити билан боғлиқ деб ҳисобласа, навбатдан ташқари кўрик ўтказилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Тиббий кўрикларни ўтказиш пайтида ходимнинг иш жойи (лавозими) ва ўртача иш ҳаки сақланади.

18-модда. Меҳнат фаолияти жараёнида меҳнатни муҳофаза қилиш ҳуқуқининг кафолатлари

Маъмурият меҳнатни муҳофаза қилишнинг замонавий воситаларини жорий этиши ва ишлаб чиқаришда жароҳатланиш ҳамда касб касалликларининг олдини оладиган санитария-гигиена шароитларини таъминлаши шарт.

Ходимнинг саломатлиги ёки ҳаётига хавф туғдирувчи вазият пайдо бўлганда, у бу ҳақда зудлик билан маъмуриятга хабар қилади, бу ҳол назорат органлари томонидан тасдиқланган тақдирда маъмурият ишни тўхтатиши ва хавфни бартараф этиш чорасини кўриши шарт. Маъмурият томонидан зарур чоралар кўрилмаган тақдирда, ходим ишни хавф бартараф этилгунга қадар тўхтатиб туришга ҳақлидир ва унга ҳеч қандай интизомий жазо берилмайди.

Маъмурият, агар меҳнатни муҳофаза қилиш инспекцияси томонидан тасдиқланган, ходимнинг ҳаёти ва саломатлиги учун тўғридан-тўғри жиддий хавф ҳамон сақланиб турган бўлса, ундан ишни қайта бошлашни талаб қилишга ҳақли эмас ва ходимга иш тўхтатиб турилган бутун давр учун барча моддий зиённи тўлаши шарт.

Маъмурият меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларни бузган ва бу назорат қилувчи идоралар томонидан тасдиқланган тақдирда, меҳнат шартномаси, ходимнинг аризасига кўра, унга ишдан бўшаганда бериладиган пул тўлангани ҳолда, исталган пайтда бекор қилиниши мумкин.

Ходимда касб касаллиги белгилари аниқланган тақдирда маъмурият тиббий хулоса асосида уни ихтисосини ўзгартиргунга қадар ўртача ойлик иш ҳаки сақланган ҳолда бошқа ишга ўтказиши лозим.

19-модда. Ходимларни меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқитиш ва уларга йўл-йўриқлар бериш

Корхоналарнинг барча ходимлари, шу жумладан раҳбарлари ўз касблари ва иш турлари бўйича давлат назорат идоралари белгилаган тартиб ва муддатларда ўқишлари, йўл-йўриқлар олишлари, билимларини текширувдан ўтказишлари ҳамда қайта аттестациядан ўтишлари шарт.

Маъмурият барча янги ишга кираётганлар, шунингдек бошқа ишга ўтказилаётганлар учун ишларни бажаришнинг хавфсиз усулларини ўргатишни ташкил этишлари, меҳнатни муҳофаза қилиш ва бахтсиз ходисаларда жабрланганларга ёрдам кўрсатиш бўйича йўл-йўриқлар беришлари шарт.

Ўта хавфли ишлаб чиқаришларга ёки касбий танлов талаб қилинадиган ишга кираётган ходимлар учун меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича имтиҳонлар топшириладиган ва кейин вақти-вақти билан қайта аттестациядан ўтиладиган ўқув ўтказилади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича белгиланган тартибда ўқитиш, йўл-йўриклар бериш ва билимларни текширишдан ўтмаган шахсларни ишга қўйиш тақиқланади.

Маъмурият ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича малакаси мунтазам ошириб борилишини таъминлаши шарт.

20-модда. Меҳнат шароитлари ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиниши тўғрисида ходимларнинг ахборот олишга доир ҳуқуқлари

Корхона ходимлари иш жойларидаги меҳнат шароитларининг аҳволи ва муҳофаза қилиниши, бунда лозим бўлган шахсий ҳимоя воситалари, имтиёзлар ва товон пуллари тўғрисида ахборот талаб қилиш ҳуқуқига эгадирлар, маъмурият эса уларга бундай ахборотни бериши шарт.

21-модда. Ходимларнинг айрим тоифалар учун меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари

Ходимларнинг айрим тоифалари (хотин-қизлар, ёшлар, меҳнат кобилияти чекланган шахслар), шунингдек меҳнатнинг оғир ва зарарли шароитларида ишловчи ходимлар учун меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгиланади.

IV БЎЛИМ. МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШГА ДОИР ҚОНУНЛАР ВА БОШҚА МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАРГА РИОЯ ЭТИЛИШИ УСТИДАН ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

22-модда. Меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя этилиши устидан давлат назорати

Меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга ҳамма жойларда риоя этилиши устидан давлат назоратига махсус ваколат берилган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган низом асосида ишловчи давлат идоралари буни амалга оширадилар.

23-модда. Меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя этилиши устидан жамоатчилик назорати

Меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини меҳнат жамоалари ва касаба уюшмаси ташкилотлари томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўзлари сайлайдиган вакиллар амалга оширадилар.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича махсус тайёргарликдан ўтган вакил иш жойларида меҳнат муҳофазасининг аҳволини монеликсиз текшириш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида таклифлар киритиш ҳуқуқига эгадир. Меҳнат муҳофазаси бўйича вакилга ўз вазифаларини бажариши учун ҳар ҳафтада иш пайтида камида икки соат вақт ажратиб берилади ва ўртача иш ҳаки миқдорида ҳақ тўланади.

24-модда. Ходимларнинг меҳнати муҳофаза қилинишига доир ҳуқуқларини ҳимоя этиш бўйича касаба уюшмаларининг ҳуқуқлари

Касаба уюшмалари давлат ва хўжалик идоралари олдида ходимларнинг меҳнати муҳофаза қилинишига доир ҳуқуқларини ҳимоя қиладилар, унинг рўёбга чиқарилиши устидан назоратни амалга оширадилар, ана шу мақсадда ўз қарамоғларида низом асосида ишловчи меҳнат техник инспекциясига эга бўладилар, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича давлат сиёсатини ишлаб чиқишда, меъёрий ва ҳуқуқий фаолиятда иштирок этадилар. Меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларига доир барча меъёрий ҳужжатлар (стандартлар, қоидалар, меъёрлар, йўриқномалар ва ҳоказо) касаба уюшмалари олдиндан кўриб чиққанидан кейин тегишли идоралар томонидан қабул қилинади.

Касаба уюшмалари ўз ташаббуси билан ёки ишловчиларнинг илтимоси билан корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилишга оид қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя этилишини, жамоа шартномалари ва битимлари бажарилишини текшириш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш ёки маъмуриятга тақдимномалар киритишга ҳақлидир.

Мансабдор шахслар уларни бажаришни асоссиз рад этган ёки одамлар соғлиғи ёхуд ҳаётига хавф туғдирувчи қонунга зид хатти-ҳаракатлар қилган, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходисаларни ҳисобга олишдан яширган тақдирда касаба уюшмалари айбдорларни эгаллаб турган лавозимидан бўшатишгача жавобгарликка тортиш, шунингдек аниқланган камчиликлар бартараф этилгунга қадар ишларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги талаблар билан давлат ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига мурожаат этишга ҳақлидирлар.

Ходимнинг меҳнатни муҳофаза қилинишига бўлган ҳуқуқлари рўёбга чиқарилиши устидан назоратни амалга ошириш чоғида касаба уюшмаларининг меҳнат техник инспекцияси исталган корхонани бемалол кириб кўриш, аниқланган нуқсонларни бартараф этиш тўғрисида маъмуриятга кўрсатмалар бериш, мансабдор шахсларга жарима солиш, агар бундан буён ишлатилиши меҳнат қилувчилар соғлиғи ёки ҳаётига хавф туғдирса, ускуналар, участкалар, цехлар, ишлаб чиқаришларнинг ишини вақтинча тўхтатиб қўйиш, ишлаб чиқаришда ходим дучор бўлган бахтсиз ходисаларни текширишда қатнашиш (ёки уни мустақил ўтказиш)га ҳақлидир.

Касаба уюшмалари белгиланган тартибга меҳнатни муҳофаза қилишга доир меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда ва келишиб олишда иштирок этадилар, улар билан келишиб олинмаган ҳужжатларнинг кучга киритилишига қарши тегишли давлат идоралари орқали протест киритиш ҳуқуқига эгадирлар.

Касаба уюшмалари ишлаб чиқариш воситаларини синаш ва фойдаланишга қабул қилиш давлат комиссиялари ишида, ишлаб чиқаришдаги касб касалликларини текширишда, тиббий-меҳнат эксперт комиссияси (ТМЭК) мажлисларида иштирок этадилар, меҳнатни муҳофаза қилишнинг аҳволини, уни яхшилаш бўйича жамоа шартномаларида кўзда тутилган тадбирлар бажарилишини текширадилар ва уларнинг натижалари юзасидан аниқланган нуқсонларни бартараф этишга қаратилган, бажарилиши шарт таклифлар киритадилар.

Хизмат вазифаларини бажариш чоғида майиб бўлиш ёки саломатликка бошқача тарзда путур етиши туфайли келтирилган зарар қопланиши учун ҳамда ходимларнинг саломатлиги ва меҳнати муҳофаза қилинишига бўлган ҳуқуқлари касаба уюшмалари ўз ташаббуси билан ёки ишловчиларнинг аризаларига биноан уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиб даъво аризалари билан судга мурожаат этишлари мумкин.

V БЎЛИМ. МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЛАР ВА БОШҚА МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

25-модда. Меҳнатни муҳофаза қилишга доир талаблар таъминланмагани учун корхоналарнинг жавобгарлиги

Корхоналар меҳнатни муҳофаза қилишга доир талаблар таъминланмаганлиши учун ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходисалар ва касб касалликларидан ижтимоий суғурта қилиш мақсадларига оширилган тарифлар бўйича маблағлар ажратадилар. Тарифлар меҳнат шароити, бажариладиган ишлар хавфлилиги, зарарлилиги ва оғирлигига боғлиқ ҳолда вақти-вақти билан қайта кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг меҳнат шароитлари давлат экспертизаси берган хулоса тарифлар қайта кўриб чиқиш учун асос ҳисобланади.

26-модда. Меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига жавоб бермайдиган ишлаб чиқариш ҳамиятидаги маҳсулотни тайёрлаганлик ва сотганлик учун корхоналарнинг иқтисодий жавобгарлиги

Меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига жавоб бермайдиган ишлаб чиқариш аҳамиятига молик маҳсулот ишлаб чиқараётган ва етказиб бераётган корхоналар истеъмолчиларга етказилган зарарни Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланадиган тартибда ва шартларда коплайдилар.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича стандартлар, қоидалар ва меъёрларнинг Ўзбекистон Республикасида белгиланган талабларига номувофиқ ишлаб чиқариш воситаларини, якка тартибдаги ва жамоани ҳимоялаш воситаларини, шу жумладан хориждан сотиб олинганларини сотиш ва тарғиб қилиш ғайриқонуний ҳисобланади. Бундай фаолият натижасида корхона олган фойда белгиланган тартибда бюджетга мусодара қилиниши керак.

27-модда. Меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларни бузганлик учун жавобгарлик

Меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар бузилишида айбдор бўлган ёки давлат ва жамоатчилик назорати идоралари вакилларининг фаолиятига монелик қилаётган мансабдор шахслар Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда интизомий, маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Корхоналарнинг бошқа ходимлари меҳнатни муҳофаза қилишга доир меъёрий ҳужжатларнинг талабларини бузганлик учун белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

28-модда. Ишлаб чиқаришда жабрланган ходимларга зиён етказганлик учун корхоналарнинг моддий жавобгарлиги

Маъмуриятнинг айби билан ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходиса ёки касб касаллиги натижасида меҳнат қобилиятини тўлиқ ёки қисман йўқотган ходимга Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартиб ва миқдорда корхона бир марта бериладиган нафақа тўлайди ҳамда соғлиққа етказилган шикаст учун товон тўлайди.

Бир марта бериладиган нафақа миқдори жамоа шартномаси (битими) билан белгиланади ва жабрланувчининг бир йиллик маошидан кам бўлмаслиги лозим.

Агар ходим даволаниш, протез қўйдириш ва тиббий ҳамда ижтимоий ёрдамнинг бошқа турларига муҳтож бўлса, корхона жабрланган ходимга бу тадбирлар билан боғлиқ харажатларни тўлайди, шунингдек жабрланувчининг касбини ўзгартириб қайта тайёрланишини ва тиббий хулосага мувофиқ ишга жойлашишини таъминлайди ёки ана шу мақсадлар учун кетадиган харажатларни коплайди.

29-модда. Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходиса оқибатида ходим вафот этган тақдирда корхонанинг моддий жавобгарлиги

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходиса оқибатида ходим вафот этган тақдирда корхона тегишли ҳуқуқка эга бўлган шахсларга моддий зиённи Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартиб ва миқдорларда коплайди, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаб қўйдиган миқдорда бир марта бериладиган нафақа тўлайди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1993 йил 6 май.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

«МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни эълон қилинган пайтдан бошлаб амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига икки ойлик муддат ичида:

ўз меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ тарзда шикастланган ёхуд соғлиқларига бошқа тарзда зарар етган ишчи ва хизматчиларга корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан товон тўлашнинг тартибини ва миқдорини белгилаш;

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларини «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ҳолга келтириш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашига таклифлар тақдим этиш;

Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорларини «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ҳолга келтириш;

Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари, идоралари, концернлари ва хўжалик бошқарувининг бошқа идоралари ўзларининг ушбу Қонунга зид бўлган меъёрий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминлаш топширилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси **Ш. ЙЎЛДОШЕВ.**

Тошкент шаҳри,
1993 йил 6 май.

СОҒЛОМ АВЛОД — ВАТАН ҚАНОТИ

МУҲАЙЁ ТЎЛАГАНОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг муовини

● **1992 йилда республикамизнинг шаҳар ташқарисидаги 411 та соғломлаштириш, 106 та санаторий хилидаги, 14 та спорт-соғломлаштириш, 1789 та мактаблар ҳузуридаги, 173 та меҳнат ва роҳат лагерларида 448 минг 255 бола ҳордиқ чиқарди.**

● **Қишки ва ёзги таътиллар давомида мактаблар базасидаги, шаҳар ташқарисидаги лагерларда 23450 бола дам олди.**

● **Оролбўйи минтақасида истиқомат қилаётган болалардан 7,5 минг нафари 1992 йилги таътилни Тошкент, Самарқанд, Бухоро вилоятларининг хушманзара оромгоҳларида ўтказдилар.**

● **20 мингдан ортиқ етим болалар, кўп болали ва кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари соғломлаштириш лагерларига бориш учун бепул йўлланмалар билан таъминландилар.**

● **Болаларни соғломлаштириш учун 1992 йил давомида 338 миллион 627 минг сўм сарфланди.**

● **1993 йилда 3,5 мингдан ортиқ барча хилдаги соғломлаштириш лагерлари ишлайди.**

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ Ислом Каримов ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий кенгашининг ўн иккинчи сессиясида сўзлаган нутқида таъкидлаганидек, биз наслимизнинг келажаги — соғлом авлод учун кураш бошладик. Шу ном билан орден таъсис этилди ва махсус халқаро жамғарма тузилди.

Бу бежиз эмас, албатта. Ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом авлодга эга бўлган халқгина қудратли, енгилмас деб эътироф этилади. Давр қандай бўлишидан қатъи назар оналик ва болаликни муҳофаза этиш, ёш авлод саломатлигини мустаҳкамлаш, уни маънавий, ахлоқий ва жисмоний баркамол қилиб тарбиялаш катта авлоднинг шарафли бурчидир. Муқаддас ўзбек диёрида яшовчи ҳар бир киши ўзининг ана шу бурчини қалб қўри, ақл-идроки ва истеъдоди билан адо этиши ҳам қарз, ҳам фарз эканлиги Президентимиз нутқида алоҳида уқтирилди.

Бозор муносабатларига ўтиш жараёнидаги иқтисодий қийинчиликларга қарамай Президентимиз ва республика ҳукумати аҳолини, айниқса ёш авлодни ижтимоий ҳимоялашга катта куч ва маблағ сарфлаётганликларини мамлакатимиз халқлари кундалик ҳаётда сезиб, кўриб турибдилар.

Аҳолини, айниқса ўсиб келаётган ёш авлодни ижтимоий ҳимоялашда ҳукумат билан касаба уюшмаларининг мақсадлари муштаракдир. Бўни биз Вазирлар Маҳкамаси билан 1993 йил учун ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича ўзаро тузилган битимда ҳам тасдиқладик. Битимда таъкидланганидек, бу йил 445 минг бола ёзги соғломлаштириш лагерларида, шу жумладан Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида истиқомат қилаётган 7,5 минг бола Оролбўйи минтақасидан ташқарида саломатлигини мустаҳкамлайди.

Бир неча йилдирки, касаба уюшмалари ва республика жамоатчилиги Оролбўйи минтақасидаги болаларнинг оғир аҳволи ҳақида ташвиш билан бонг уриб келмоқдалар. Чунки, Чернобил фалокати билан қиёс қилинадиган Орол фожиаси ирсиятга чинакамига даҳшат солмоқда. Болалар ўртасида касалланишлар камаймаяпти. Бу ҳолнинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда ўтган йилнинг февраль ойидан бошлаб «Чимён» республика болалар санаторийсида Оролбўйи болаларини йил бўйи бепул даволаш ишларини ташкил этди. Ушандан бери бу ерда ҳар ойда салкам 200 тадан бола ўқиб даволанаяпти. Федерация кенгаши вакиллари улар аҳволидан мунтазам хабар олиб турибди. Учрашувларда болаларга Федерация кенгаши ҳисобидан видеомагнитафон ва бошқа зарур жиҳозлар совға қилинди.

Оролбўйи болаларини ҳимоялаш ишларини кучайтириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшмалари кенгаши «Орол болаларига» деб номланган бирдамлик жамғармасини ташкил этди.

Бу жамғармага Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши биринчилардан бўлиб бир миллион сўм пул ўтказди. Ҳимматли, саховатли меҳнат жамоалари ва алоҳида фуқаролар ҳиссаси билан жамғарма бойиб бормоқда. Биз барча жамоалар ва бой-бадавлат фуқароларнинг бу савобли ишдан четда қолмасликларини истар эдик. Шу мақсадда «Орол болаларига» жамғармаси ҳисоб рақамларини эслатиб ўтмоқчиман: **Саноат қурилиш банкининг Нукус шаҳридаги Орол бўлимида 170010, код 173501308, Тошкент шаҳар «Ўзсаноатқурилиш банки»да 07350002, МФО 805012, валюта ҳисоб рақами 001073005.** *Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг «Орол болаларига» жамғармасига кўмаклашишга чорловчи мурожаатномасига лаббай деб жавоб бериш, болалар учун азоб-уқубатлардан ҳоли бўлган бахтли келажакни яратиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз эканлигини касаба уюшмаси фаоллари унутмасликлари керак.*

Ўлкамизда сахий ёз бошланмоқда. Шу фасл бошида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунини нишонлаш яхши анъанага айланиб қолган. Ёз ўғил-қизларимиз учун энг қувноқ фасл ҳисобланади. Бу фаслда улар қувнаб яйрашлари, саломатликларини мустаҳкамлашлари, ўлкамиз гўзалликларидан баҳраманд бўлишлари учун кенг имкониятлар яратилади. Касаба уюшмалари мавжуд иқтисодий қийинчиликларга қарамай ёзги соғломлаштириш лагерларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш йўлида зарур чораларни кўрмоқдалар. Ўтган йилги мавсумда республикамизда турли хилдаги 3,5 мингдан ортиқ лагерлар ишлаб турди. Уларда 450 мингдан ортиқ бола соғломлаштирилди. Бу йил лагерлар бағрига яна ҳам кўпроқ болаларни жалб этиш чораларини кўряпмиз. Шу мақсадлар учун керакли маблағларни ажратишга тайёрмиз.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раёсатининг ўтган ойда бўлиб ўтган йиғилишида меҳнаткашлар ва болаларни соғломлаштириш юзасидан бу йилги вазифалар белгилаб олинди. Бу соҳада ўтган йилда йўл қўйилган камчиликлар эслатиб ўтилди. Ўтган йилги соғломлаштириш мавсумига кўпгина корхоналар пухта ҳозирлик кўролмадилар, оқибатда 76 та соғломлаштириш лагерини ёпиб қўйишга тўғри келди. Натижада меҳнаткашларни ва болаларни соғломлаштириш юзасидан белгиланган баъзи режалар бажарилмай қолди.

Бу йил ҳам шундай нохуш аҳвол келиб чиқмаслиги учун раёсат касаба уюшмалари кенгашларига ва марказий қўмиталарига ҳокимликлар ҳамда хўжалик ташкилотлари билан биргаликда санаторий-профилакторийлардан, болалар ва талабаларни соғломлаштириш лагерларидан, бошқа соғломлаштириш муассасаларидан аниқ мақсад бўйича фойдаланиш юзасидан зарур тадбирлар ишлаб чиқишни тавсия этди. Раёсат қарори билан ижтимоий суғурта ҳисобидан йўлланмалар беришнинг янги меъёри жорий этилди. Қарорга биноан бу йил соғломлаштириш лагерлари учун ўқувчиларга йўлланмаларнинг 50 фоизи бепул берилади. Қолган қисми учун эса йўлланма нархининг 10 фоизи тўланади. Кўпгина корхоналар ўз ички имкониятларини ҳисоблаб чиқиб соғломлаштириш лагерларига йўлланмаларни бутунлай бепул тарқатишга қарор қилдилар. Бундай ҳимматли меҳнат жамоалари Бухоро, Фарғона, Қашқадарё вилоятларида кўплаб топилади.

Бухоро вилояти касаба уюшмалари кенгаши раёсати бу йил вилоят ҳокимлиги билан биргаликда фарзандларимизни соғломлаштиришни ташкил этишни такомиллаштириш юзасидан муҳим тадбирлар белгилади. Ўтган йилги мавсумда шаҳар ташқарисида 21 та соғломлаштириш муассасаси, 135 та мактаб ҳузурида соғломлаштириш лагери ишлаган эди. Уларда салкам 32 минг бола ёзни соз ўтказди. Бу йил ҳам болалар дам олишини намунали ташкил этиш юзасидан барча тайёргарлик ишлари кўриб қўйилди. Шу мақсадда вилоят касаба уюшмалари кенгаши Халқ таълими бошқармаси, соғлиқни сақлаш бўлими, санитария-эпидемиология станцияси, матлубот жамияти, «Бухоро-савдо» концерни билан ўзаро меҳнат шартномалари тузган. Мавсумга тайёргарлик ишлари шу шартнома асосида олиб борилди. Бу йил соғломлаштириш муассасалари тўрт сменада ишлайди. Ҳар смена 16—18 кун қилиб белгиланган. Шундай йўллар билан дам олишга болаларни кўпроқ жалб этиш имкони яратилаяпти.

Фарғона вилояти касаба уюшмалари кенгаши алоҳида лагерларда она ва болаларнинг дам олишини ташкил этмоқда. Ўтган йили бу тажриба кўпгина ота-оналарга манзур бўлган эди. Бу йил ҳам шундай лагерлар ишлайди. Бундан ташқари ногиронлар, сариқ касал билан оғриган болалар учун алоҳида парҳез таомлар тайёрланади, шифокорлар ва тарбиячилар дард чеккан болалар бошида ёз бўйи парвона бўладилар.

Умуман касаба уюшмалари дардчил болаларнинг кўнглини кўтаришга, уларни тезроқ соғайиб, оёққа туриб кетишлари устида алоҳида қайғурмоқдалар. Яқинда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши, соғлиқни сақлаш ва енгил саноат ходимлари касаба уюшмалари Марказий қўмиталари вакиллари республика болалар суяк сили касалликлари санаторийсида бўлиб, у ерда ўқиб даволанаётган 400 га яқин болаларга рангли телевизор, видеомагнитафон, видеокассеталар, турли хил ўйинчоқлар, кийим-кечаклар тақдим этдилар. Бундай хайрия тадбирлари ёзги дам олиш мавсумида ҳам давом этади.

Болалар — келажагимиз. Ўзбекистонни келажакда буюк давлатга айлантиришда бугунги болалар ва ёшлар ҳиссаси катта бўлишига ишонамиз. Шундай экан, ватанимиз қаноти бўлган ёш авлодни ҳар жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялаш вазифасини сидқидилдан адо этайлик. Бунга ота-оналар ҳам, тарбиячи-ю шифокорлар ҳам муносиб ҳисса қўшмоқлари керак.

Айниқса қишлоқ болаларини ёзги соғломлаштириш масканларига жалб этиш муҳим вазифадир. Ота-оналар шуни яхши билишлари керакки, соғлом бола оиланинг ҳам, Ватаннинг ҳам катта бахти. Шундай экан, болаларимиз бир ой бўлса ҳам соғломлаштириш лагерларидан баҳраманд бўлишлари, ёз гаштини суришлари, янги дўстлар орттиришлари керак. Бир ой ичида улар онгида бўладиган ўзгаришларни бир тасаввур этинг-а. Янгича турмуш тарзига ўрганадилар, маданиятли, муомилали бўладилар. Зўр таассуротлар билан оила бағрига қайтадилар.

Корхоналар эса ўз ҳузурларидаги оромгоҳларнинг ёз бўйи ишлашини таъминлашлари зарур. Шунда ота-оналарнинг болаларидан кўнгиллари тинч бўлади, ишга унум киради.

Соғлом авлодни тарбиялаш бўйича 1993 йил бурилиш йили бўлиши керак. Барча меҳнат жамоалари ва жамоат ташкилотлари куч-ғайрати шу муҳим соҳага йўналтирилса, биз Президентимиз қўйган талабларга маълум даражада жавоб берган бўламиз.

ОРОМГОҲЛАР ШАЙМИ?

● **Маҳаллий саноат, уй-жой, коммунал хўжалик ва маиший хизмат корхоналари касаба уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда шаҳар қўмиталари раҳбарларининг Наманган шаҳрида бўлиб ўтган семинар-кенгашида мана шу долзарб масала муҳокама қилинди.** Унда болаларнинг ёзги соғломлаштириш ва дам олишини таъминлашнинг аҳволи тўғрисида бир қатор вилоятлар раисларининг ахборотлари тингланди. Тармоқ касаба уюшмалари ихтиёридаги 15 та болалар оромгоҳларининг мавсумга шайлиги хусусида кўрилган тадбирларнинг етарли эмаслиги қайд этилди. Наманган вилоятидаги 480 ўринли 4 та оромгоҳ эса ҳозирданоқ болаларни қабул қила бошлади. Биринчи бўлиб кўзи ожизлар фарзандларидан 100 нафари бепул дам олишга йўл олди. Болалар оромгоҳларида дам олиш йўлланмасининг баҳоси 5—8 минг сўм қилиб белгиланган. Кўпчилик корхоналар йўлланма ҳақини ўз ҳисобидан тўлаб ишчиларга катта енгиллик туғдираяптилар. Шундайлардан бири Косонсой шойи тўқиш бирлашмасидир. Корхонанинг 160 ўринлик болалар лагерининг мавсумга шайлиги бу ерга ташриф буюрган меҳмонларда мамнунлик билан бирга ибратомуз қизиқиш уйғотди.

Семинар-кенгашда Ўзбекистон маҳаллий саноат, уй-жой, коммунал хўжалик ва маиший хизмат корхоналари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси раиси О. Ш. Сафоев нутқ сўзлади.

Тожибой АЛИМОВ,
«Ишонч» мухбири.

КЕЛИШИБ ОЛДИЛАР

● **АНДИЖОН вилоят ёшлар иттифоқи қўшни Жалолобод ва Ўш вилоятлари ёшлар иттифоқи билан дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлашмоқда.** Яқинда бу уч вилоят ёшларининг сардорлари янги бир шартномага имзо чекдилар. Шартномада ёш қўшиқчилар, мусиқачилар ва миллий фольклор гуруҳлари ўртасида «Истеъдод эгаларини излаймиз» кўрик танлови, ёш тадбиркорлар учрашуви, кейинроқ эса ўзбек ва киргиз ёшлари ўртасида «Дўстлик-94» фестивалини ўтказиш, Андижонда Жалолобод ва Ўш ёшлари кунини, Жалолобод ва Ўшда эса Андижон ёшлари кунини нишонлаш каби ўнга яқин тадбирлар қайд этилган. Хуллас, энди бу уч вилоятнинг ёш деҳқонлари, ёш ҳунармандлари, ўқувчи ва талабалари ҳам бир-бирлари билан дўстона алоқалар боғлайди. Миллий байрамларида иштирок этиб, турфа кўргазмалар ташкил қилади.

Замира РЎЗИЕВА,
«Ишонч» мухбири.

МЎЪЖИЗАКОР ҚЎЛЛАР

Минерал ўғитлар ва ўсимликни ҳимоя қилиш воситалари, пластмасса ва бўёқлар, тола ва пленкалар... Кимё саноати корхоналарида ишлаб чиқарилаётган бу ҳилдаги маҳсулотларни санаб саноғига етолмайсан киши. Кимёни азалдан мўъжизалар фани деб аташади. Кимёгарлар қўли билан яратилаётган мўъжизалар халқ хўжалигини ривожлантиришга, одамлар қорнини тўқ, эгнини бут қилишга муҳим омил бағишламоқда.

ЭРТАГА НИШОНЛАНАДИГАН КИМЁГАРЛАР КУНИ арафасида жамоатчи мухбиримиз Ўзбекистон саноатининг кимё тармоғи ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси раиси Н. Т. ҚОСИМОВ билан учрашиб, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида кимёгарларни ижтимоий ҳимоялаш, тармоқни ривожлантириш, мавжуд муаммоларни ҳал этиш юзасидан бажарилаётган ишлар тўғрисида сўзлаб беришни илтимос қилди.

— Кимё саноати Ўзбекистонда етакчи тармоқлардан ҳисобланади, — деди Неъматулла Тешабоевич. — Шундай бўлиши табиий ҳол. Чунки, замонавий катта кимёсиз иқтисодиёт самарадорликка эриша олмайди. Бугунги кунда тармоғимизда юксак малакали кадрлар меҳнат қилмоқдалар. Улар ўз табиий газимиз, нефть ва кўмиримиз, бошқа хил фойдали қазилмаларимиз базасида кимё тармоғини яна ҳам ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Сир эмас, собиқ СССРнинг парчаланиб кетиши оқибатида бошқа соҳалар қатори бизнинг тармоғимиз ҳам қийин аҳволга тушиб қолди. Узоқ йиллар давомида шаклланиб келган иқтисодий алоқалар бузилди. Хомашёлар, эҳтиёт қисмлари баҳоси бирданига кўтарилиб кетди ёки уларнинг келиши кескин камайди. Бунинг оқибатида Фарғона кимё толаси заводи, Олмалиқ «Аммофос» ишлаб чиқариш бирлашмасида маҳсулотлар тайёрлашда баъзан узилишлар содир бўлди.

Шундай шароитда ҳам мутахассисларимиз тармоқ шуҳратини туширмасликка, маҳсулот ишлаб чиқаришни олдинги йилдаги даражадан пасайтирмасликка ҳаракат қилмоқдалар. Касаба уюшма ташкилотлари эса юксак малакали ишчи-хизматчиларни сақлаб қолиш, ишсизликнинг олдини олиш чораларини кўрмоқдалар.

— Бунга қандай қилиб эришилаяпти? Бошқа соҳалардаги аҳвол анча аянчли-ку.

— Энг аввало бу кимё комплексига моҳирлик билан раҳбарлик қилишда кўринмоқда. Тажрибали раҳбарлар асосий цехларда хомашё танқис бўлиб турган бир пайтда кичик корхоналар очиб ишчиларни шу томонга ўтказдилар. Шундай йўллар билан ишсизлик балоси даф этилди. Ҳозирги пайтда ҳар бир саноат объектида кичик ва қўшма корхоналар ишлаб турибди. Улар халқ истеъмоли товарларини кўплаб ишлаб чиқармоқда.

— Масалан?

— Мисол учун Ангрендаги «Ўзбекрезинотехника» ишлаб чиқариш бирлашмасини олиб кўрайлик. Бу ерда республикамиз тарихида биринчи марта автомобиллар учун покришкалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бироз олдинроқ калишлар ишлаб чиқаришга киришилган эди. Илгари бундай маҳсулотлар республикамизга Москва ва Болтиқбўйи шаҳарларидан ташиб келтириларди. Ҳозирги кунда уларни Ангрендан ташқари Самарқанд, Қўқон кимё заводларида ҳам тайёрлаб чиқарилаяпти.

Чинни буюмлари танқис бўлиб турган бир пайтда Жиззах пластмасса заводида пластмассадан идиш-товоқлар, вазалар, канистрлар, трубалар, пардозлаш материаллари ва бошқа жиҳозлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Натижада ишсиз юрган кўплаб одамлар иш билан таъминланди.

Янги ишчи ўринларининг ташкил этилиши бир томондан бозорни истеъмол молларига бисёр қилса, иккинчи томондан одамларни бозор зарбаларидан асраб қолаяпти. Бизнинг асосий мақсадимиз ҳам тармоқ меҳнаткашларини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада пухтароқ ҳимоялашдан иборатдир.

— Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида пайдо бўлаётган ижтимоий-иқтисодий муаммоларга касаба уюшмалари қандай муносабат билдираяпти?

— Маълумки, бозор иқтисодиётига ўтишнинг Президентимиз И. А. Каримов белгилаб берган бешта принципидан тўртинчиси кучли ижтимоий сиёсатга қаратилган. Айни шу принцип бевосита касаба уюшмаларига даҳлдордир. Касаба уюшмалари ҳар қандай шароитда ҳам меҳнаткашлар манфаатини ҳимоя қилиши керак. Айниқса ҳозирги қийин шароитда аҳолининг барча табақалари касаба уюшмаларининг мадади ва кўмагига муҳтож бўлиб турибди.

Шу мақсад йўлида маъмурият ва касаба уюшмаси ўртасида тузилган шартнома ҳозирги кунда катта роль ўйнаяпти. Шартнома шартларини бажариш билан корхоналарда барқарорлик таъминланмоқда, ишга ёлловчи ва ишловчи ўртасидаги ҳар қандай зиддиятлар бартараф этилмоқда. «Электрохимпром», «Навоийазот», «Ўзбекрезинотехника», «Аммофос» ишлаб чиқариш бирлашмаларига ўхшаш йирик корхоналар тажрибаси шуни кўрсатаяптики, ҳар қандай мураккаб шароитда ҳам агар омилкорлик билан иш юритилса масалалар ечимсиз қолмайди.

Қабул қилинган жамоа шартномаларида меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялашга алоҳида урғу берилган. Бола туғилганда ёки бирор кишининг бошига мусибат тушганида бериладиган ёрдам пуллари анча кўпайтирилди. Даволаниш, меҳнат таътилига чиқиш пайтида ишчи-хизматчиларга қўшимча нафақалар бериш йўлга қўйилди.

Корхоналарда ишчи-хизматчиларни ҳар қандай шикастланишлардан асраш юзасидан қўшимча чоралар кўрилмоқда. Шунга қарамай эҳтиётсизлик туфайли оқибати ўлим билан тугаётган бахтсиз ҳодисалар баъзан учраб турибди. Бундай ҳолларда, масалан, «Навоийазот» бирлашмаси маъмурияти дафн маросими билан боғлиқ барча харажатларни ўз зиммасига олаяпти ва марҳумнинг бир йиллик маоши ҳажмида унинг оиласига нафақа бераяпти. Декрет таътилига чиққан ходим учун эса энг кам маоши миқдорининг 50 фоизи сақланиб қолаяпти. Ишламайдиган пенсионерларга бериладиган нафақа эса кўпайтирилди. Йилда бир марта санаторийларга бориб даволаниб келишлари учун уларга бепул йўлланмалар ҳам берилаяпти.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткаси тармоқда қандай жорий этилаётганлиги хусусида ҳам тўхтаб ўтишга тўғри келади. Чунки, бу тартиб ҳақ тўлашда тенглаштиришга барҳам берди. Ишчилар ўз ақл-идроклари ва истеъдодларини намойиш этишлари учун кенг имкониятлар яратди. Ягона тариф сеткасини тўла жорий этиш юзасидан ишлар тармоқда давом этаяпти.

Пировардида касаба уюшмалари Марказий қўмитаси ва саноат корхонаси ўртасидаги муносабатларнинг янги босқичига «Тармоқ тариф битими»га ўтишга муваффақ бўламиз.

— Меҳнаткашлар дам олишини уюштириш, улар саломатлигини мустаҳкамлаш масалалари ҳамиша касаба уюшмаларининг диққат марказида бўлиб келган. Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида улар шу вазифани қандай бажаришаяпти?

— Тўғри, меҳнаткашлар соғлиғи ҳақида ғамхўрлик қилиш ва уларнинг дам олишини уюштириш масаласи билан ҳамиша касаба уюшмалари шуғулланиб келган ва ҳозир ҳам шундай. Лекин собиқ СССР парчаланиб кетгач, марказий курортлар ва дам олиш оромгоҳларига йўлланмалар нархи кўтарилиб кетди. Олис юртларга бориб дам олиш имкониятлари чекланди. Шуни ҳисобга олиб ўтган йили биз узлуксиз ишловчи 100 ўринли «Чимён» пансионатини ташкил этдик. Энди эса август ойида Октошда ноёб медицина асбоб-ускуналари билан жиҳозланадиган янги санаторийни ишга туширишга ҳозирлик кўраяпмиз. Бу ерда юқори нафас олиш аъзолари касалланган, нафаси қисадиган беморлар даволанишлари мумкин бўлади. Келаси йилдан бошлаб Шоҳимардонда «Ўзбекистон Швейцарияси» деб номланадиган санаторий қурилишига киришамиз.

Дам олиш, даволаниш истагини билдирган ишчилар, инженер-техник ходимлар учун имтиёзли йўлланмалар тармоқ корхоналарида ҳамиша тайёр. Бу соҳада харажатларнинг асосий қисмини корхоналар кўтараяпти. Чунки, ишчилар саломатлиги биз учун ҳамма нарсадан қимматлидир. Саломатликни тиклаш ва мустаҳкамлаш учун қанча маблағ керак бўлса топилади.

— Суҳбатингиз учун раҳмат. Фурсатдан фойдаланиб, сизни ва сиз орқали тармоқнинг барча ходимларини эртага нишонланадиган кимёгарлар куни байрами билан чин дилдан қутлаймиз.

— Раҳмат.

Суҳбатдош:
Фарҳод ИСМОИЛОВ.

БУЮК МАҚСАД ЙЎЛИДАН...

РЕСПУБЛИКА Олий Кенгашининг ўн иккинчи сессиясида сўзлаган Президентимиз нутқида «Бизнинг энг улуғ мақсадимиз, энг улуғ ғоямиз, энг улуғ шиоримиз шуки, Ўзбекистоннинг битта йўли бор: мустақилликни мустаҳкамлаб, истиқлолни мустаҳкамлаб — олға бориш», деб таъкидланган сўзлар замондошларимиз ва келажак авлод учун ғоятда муҳим аҳамиятлидир.

Ўзбекистон — келажакда буюк давлат бўлишига ишонч кишиларда фахр ва ифтихор уйғотмоқда. Бу истиқлол, демократик ҳуқуқий давлат бўлади. Миллати, диний эътиқоди, ижтимоий, сиёсий аҳволидан қатъи назар фуқароларга ҳуқуқ ва эркинликлар тақдим қилган инсонпарвар давлат бўлади. Бундай давлат халқ иродасини ифодалайди, фақат манфаатларига хизмат қилади. Халқнинг ана шундай давлат тўғрисидаги орзуси бугунги кунда амалий ифодасини топаяпти, чунки тараққиёт йўлимиз аниқ, чунки бу йўл асрлар мобайнида таркиб топган миллий урф-одатларни, анъаналарни, халқ удумларини назарда тутади.

Бугунги кунда яқин ва олис хорижий сиёсатшунослар Ўзбекистоннинг янгиланиши ва тараққиёт учун танлаб олган ўз йўли тўғрилигини ва ўз халқи ҳамда жаҳон ҳамжамияти халқларининг миллий манфаатларига жавоб беради, деб баҳоламоқдалар. Янгиланиш ва тараққиётга мустақиллик ва истиқлолга тинч йўл билан эришиш, бозор сиёсатига ўтиш иқтисодий инқироздан чиқишда жаҳон тажрибасига суянишни назарда тутади. Бу усул Россия ва яқин хорижий бошқа республикаларнинг давлатлар тизимлари томонидан йўл қўйилган хатоликлар натижасида юзага келган мураккаб вазиятларни алоҳида эътиборга олади. У заминимизнинг миллий анъаналари ва урф-одатлари, ўзбек халқининг удумлари ва турмуш тарзи билан уйғунлаштиради. Бу халқнинг асрий тарихи ва миллий маданияти ҳамда фан ютуқларини ҳисобга олишдан келиб чиқади.

Миллий истиқлол мафкурасини яратиш ва ҳаётга татбиқ этиш муҳим масаладир. Ўтмишдаги «сиёсий арбоб»лар кўпинча миллий хусусиятларни, тарихан юзага келган удумлар ва турмуш тарзини назарга олмадилар. Улар ўтмиш ва тарихини танқид қила-қила йўққа чиқардилар, янги уй қурмай туриб эскисини вайрон қилдилар, халқнинг маънавиятига нописанд муносабатда бўлдилар. Ҳаттоки давлатни тараққий эттириш йўллари ва услубиятлари асосида юзага келган мафкура, халқ маънавиятини назар-писанд қилмадилар. Инсон ва унинг ҳуқуқий манфаатлари, унинг эҳтиёжлари, ижтимоий ҳимоялаш, мафкуравий қайта йўналтиришлар бир четда қолиб кетди. Натижада иқтисодий ислоҳотлар тўғрисидаги сўз тўла маънода моҳиятини йўқотди ва афсонага айланиб кетди.

Халқимизнинг миллий, маънавий қадриятлари қайта тиклаиши республикада яшаётган бошқа миллатлар билан мустаҳкам ҳамкорлик асосида содир бўлаётир. Миллий мафкура — Ўзбекистонда яшаётган барча халқлар мафкурасидир. «Худога минг қатла шукрки, — дейди Ислом Каримов,— ўзбекларнинг бошқа халқларга муносабати ижобийдир. Юртимизда яшаётган бошқа халқ вакилларига одилона қараш, уларга меҳрибонлик қилиш биз учун маънавий бурчга айланган». Истиқлолга эришган, мустақил халқ ўзгаларга зўғум қилмайди, уларни камситмайди, таҳқирлашга йўл қўймайди. Бугунги кунда жамиятимиз миллий бирликка ва барқарорликка эришди. Кимда ким бирга яшаб меҳнат қилаётган бўлса, уларга шафқатсиз бўлиш ва зўравонлик қилиш ўзбек халқига ёт.

Иморатнинг мустаҳкамлиги унинг пойдеворига боғлиқ бўлса, давлатнинг мустаҳкамлиги маънавий пойдеворга боғлиқдир. Иморатимизнинг маънавий пойдевори асл моҳияти жиҳатдан давлатнинг бош таянчидир. Шунингдек, аждодларимиз томонидан мерос қолган бебаҳо хазина, маънавийяти давлатимиз пойдеворидир.

Маънавият — қимматли неъмат бўлиб, у кўҳна ва навқирон халқимизда эрксеварлик, жаҳон ҳамжамиятидаги ўз мустақиллигини англаш билан бирга пишиб етилган. Она сути билан кирган маънавият халқининг тарихини, унинг маданиятини ва ўз вазифасини чуқур англаб, тушуниш учун ҳам у қудратли кучга айланади. Халқ тарихи — унинг мероси. Мероссиз баркамол инсон бўлмаганидек, ўз тарихидан маҳрум халқнинг ҳам келажаги бўлиши мумкин эмас.

Инсонга маънавият ҳам ҳаво, ҳам сув сингари зарур. У турли халқларни қариндош-уруққа айлантиради, уларнинг тақдирларини яқинлаштиради.

Миллий истиқлол мафкураси халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, дилига, руҳиятига асосланган. У умумбашарий қадриятларга таянади. Миллий мафкура халқимизда жаҳон ҳамжамиятидаги энг тараққий этган давлатлар орасида тенг ҳуқуқли муносиб ўрин эгаллашга доимий интилиш туйғусини тарбияламоғи керак. Шунингдек, Ватанга бўлган меҳр-муҳаббатни, садоқатни, ҳурликка, мустақил давлат ривожланишига интилишни ҳам тарбиялаши зарур.

Миллий мафкура ўз халқига, унинг анъаналарига, тилига ва маданиятига, оиласига, аждодлари шаънига, виждонига, бурчига ва сўзига меҳр-муҳаббат ва ҳурмат-иззатда бўлишни қамраб олади.

Яна бир нарса тўғрисида тўхталиб ўтишни истардим. Республикамизда фақат жисмонан бақувват фарзандларимизни эмас, балки маънавий бой авлодни тарбиялаш учун кураш кенг кўлам касб этмоқда. Инсонда мана шулар мужассам бўлиши учун ҳар бир киши қалб кўри ва ақл-идроки, истеъдоди ва ҳалол меҳнати билан ўзи, оиласи, бутун халқи Ватани фаровонлиги йўлида меҳнат қилиши зарур.

Шуни комил ишонч билан айтиш мумкинки Ўзбекистоннинг фақат битта йўли бор: у ҳам бўлса мустақилликни, истиқлолни мустаҳкамлаб, олға бориш лозимлигини бир овоздан маъқулламоқда, чуқур англамоқда. Шу буюк мақсадга эришиш йўлида нимаики зарур бўлса, барчасини амалга ошириш энг асосий бурчимиздир.

Элбек КАРИМОВ
«Ишонч»нинг сиёсий шарҳловчиси.

ЯХШИ НОМ

... Ўшанда ҳамма бир тараф бўлди-ю чолу кампир бир тараф. Армиядан Ём қишлоғига қайтган Собиржон Лариса исмли украин қизи билан бирга келибди: Ота-онаси рухсат берса, оила қуришармиш! Қишлоқ қишлоқ-да, бир зумда ҳаммаёқда дув-дув гап. Собиржон жим, акалари, ота-онасининг фикрини тезроқ билгиси келар, юрагининг бир четида эса Ларисага ачиниб турарди... Хуллас, кимлардир қизни юртига қайтариб юборишни маслаҳат берди, ҳатто талаб қилишди. Уруш нималигини кўрган, фронтда жон олиб, жон бериб курашган Аллашукр ота билан хотини Хадича опа эса икки ёшнинг кўнглига қаращди. Тўй бўлди.

Қишлоқдагилар бир ой, борингки уч-тўрт ой бу «масалани» муҳокама қилишди ва бора-бора қўникишди. Украин қизининг мусулмон динини қабул қилиб, ўзбекона яшаётганини кўриб, тинчиб қолишди. Негаки, Лолахон (чол-кампир уни шундай номлашди) қишлоқ турмушига қанчалик тез мослашса, ўзбек тилиниям шунча тез ўрганиб олди. Овсинлари билан атлас кўйлакда ял-ял ёниб, тоғора кўтариб тўйга борганлари-чи? Ўғиллари Обид, Воҳид, Зоҳидларнинг суннат тўйида яйраб ракса тушганларини кўриб ҳайратланасиз. Бу — аёлнинг ўз ёри, фарзанди ва миллатига бўлган чинакам меҳр нишонаси, холос.

Лолахон ўз ҳаётининг бахтга йўғрилганини қайнонасининг шарофатидан деб билади. Дарвоқе, Хадича опанинг нафақат оилада, балки Ём қишлоғи аҳли орасида ҳурмат-иззати бор. Асли россиялик бўлган онахон жуда ёшлигидан бу ерга келиб фарзанд тутинган. Бор меҳрини, муҳаббатини шу қишлоқ одамларига, бола-чақасига бағишлади. Оддий ишчи Аллашукр Бобобеков билан ҳаётнинг аччиқ-чучугини баҳам кўрди. Унинг ота-онасиз қолган етим ука-сингилларига оналик қила олди, ўзи емай уларга едирди. Вақти келса, кўрпа жилдидан кўйлак тикиб берди... Бир неча йиллик фарзандсизлик азобидан сўнг Аллашукр ота розилиги билан 3 ёшли Гулжамолни ўз тарбияларига олишди, Хадича опа уни тўнғич фарзандидай қабул қилди... Гулжамолнинг қадами ёқиб бирин-кетин Турсиной, Турсунбой, Бўрибой, Қундузой, Зокиржон, Собиржонлар дунёга келишди. Хадича опа бир кунда икки норасидасини тупроққа топширганда ҳам, олис она юрти юрак-бағрини соғинч азобидан эзганида ҳам худога шак келтирмади.

— Улуғ Ватан уруши йилларида чолим фронтда 4 йил жим-жит бўлиб кетди, — дея эслайди Хадича опа. — Болалардан яшириниб кўнглимни бўшатаман, кучим кўз ёшимдан бошқа нимагаям етарди? Унинг етим-есир укасингилларига бош бўлиб, дон экаман, ғалла янчаман... Эҳ, у кунларни эслаш оғир, болам. Шукр-ки, чолим эсон-омон қайтди, шунча умри бор экан, яна тинч-тотув кунларни кўрди. Жойлари жаннатда бўлсин, дунёдан ўтганигаям етти йил бўлибди мана!

Онахоннинг кўп тортган азобу уқубатлари, фарзанд тарбиясига бағишланган меҳру мурувватн беиз кетгани йўқ. У асраб ўз боласидек ўстирган қизи Гулжамолнинг 12 нафар боласи бор. Она бу қизини 2-3 кун кўрмаса дардидунёси коронғи бўлади. Худди шундай бош неваралар ҳам севимли бувиларини тез-тез соғиниб, зиёрат қилишади.

Онахоннинг Турсунбой, Бўрибой исмли ўғиллари қишлоқнинг обрўли зиёлилари, тажрибали ўқитувчилар. Зокиржон — ишчи, Собиржон нефть-база ходими. Қизи Турсиной аянинг ҳам етти нафар фарзанди турли касб эгалари. Ҳамма невара-чеваралар йиғилиб келса, катта хонадонда тўй бўлиб кетади.

— Армон — ёмон нарса, — чуқур хўрсинади Хадича опа ёшини артиб — Қундузой қизим 30 ёшда оламдан ўтди-ю шунча азоб чекиб, букилмаган қаддим букилиб қолди. Яна унинг ёлғиз зурриёти олисда, Беговотда, борарга дармоним йўқ. Ишқилиб, шу Раъно неварамни кўп ўйлайман, узун умр, бекам бахт тилайман. Мусофир юртда онасининг арвоҳлари қўлласин, дейман...

Хадича она билан суҳбатлашиб ўтириб аёлнинг ҳақиқий бахти — фидоийликда, деб ўйладим. Агар аёл ўзини боласи, ёр-дўстлари учун бахш этса, у чинакам бахт бекасидир. Қадри, қалбидаги эзгу умидлари, яхши кунларга ишончи букилмаган нуроний онахонни қайта-қайта қучоқлаб, табаррук юзларидан ўпаман. Қўнглимдан эса ҳамқишлоқ зоминликларнинг онахон ҳақидаги кўплаб яхши фикрлари ўтаверади. Шон-шуҳратга қўшилиб яшашдан кўра одамлар юрагида яхши ном қолдириб яшамоқ нечоғлик буюк ва ҳамма нарсадан тотлироғлигини чуқур ҳис этаман. Зеро, инсон учун бу дунёда қоладигани ҳам шу — яхши номдир.

Норинисо ҚОСИМОВА.

Юртда доим тўй бўлсин, хонадон, ҳовлиларда куй-қўшиқлар янграб, фарзандлар кўпайсин, оналар бағри тўлиб пири-бадавлат яшасинлар. Биз шуни истаймиз.
Юқоридаги «келин келди» базмини Ф. ҚУРБОНБОЕВ суратга олган.

БАХТНИНГ КАЛИТИ

САҲАР чоғи тонгга лаб очган ғунча мисоли келинчак гўзалдир. Энг мусаффо ҳаёлнинг ҳурлари келин бўлмишни эркалаб уйғотади. Хизматга шўнғиган келинчак кўпчиликнинг, хусусан, қайнонанинг диққат марказида... Нақадар ҳаяжонли ва нақадар масъулиятли. Гоҳ ҳаяжон, гоҳ оғриниб ўтказган бу дамлар янги келиннинг феълини ойнадек равшан кўрсатади. Унинг муомаласи, унинг рўзғор тутиш қоидаси, ҳатто қадам босишигача назарга олинади. Қизга мол-дунё йиғиб, одобдан тариқча ҳам ўгит бермаганлар қизларини жанжал чоҳига тобора яқинлаштираётганликларини ўзлари сезмайдилар. Яқинда икки аёлнинг суҳбатига беихтиёр қулоқ тутдим. Келин туширганимга тўрт ойча бўлди. Барака топкур қўл-оёқли, чаққонгина. Келганидан бери жонимга ора кирди. Фақат бир одати ёмон. Кун ора онасиникига кетаверади. Бир гал келинкўрдига келганлар олдида роса изза бўлдим. Индинига онасиникидан келгач: «Келинжон, бир оғиз билдириб кетсангиз бўлмайдими?» дедим. У бўлса: «Нима, эримдан сўраганим етмасмиди, бу уйда нечта хўжайин бор ўзи?» деб бақириб берса бўладими. Иккинчи аёл ҳайратдан кўзларини каттакатта очди:

— Яқинда келин тушираман, ишқилиб, келиним эсли-ҳушли бўлсинда.

Унинг гапларида, юз-кўзида ташвиш зоҳир эди. Азал-азалдан қайнона — келин чиқишмаслигининг оддийгина сирини биласизми? Менимча, қайнона қачонлардир келин бўлганини, келин эса қачонлардир қайнона бўлишини унутиб қўяди. Бу гап замирида ҳақиқат бор. Қаердаки, одамлар бир-бирларини тушунмас экан, у ерда дилхиралик бўлаверади. Келинни ҳам тушуниш керак, аммо ҳурматсизликни, ишёқмасликни, кибрни одат қилиб олган келинчакнинг феъли атвори кўп кўнгилсизликларга олиб келади. Юқоридаги келин қайнонасига шундай жавоб бериши керакмиди. Асло! «Бу гал сизга билдириб кетаман, ишда бўлганингиз учун айтолмадим, узр», деса қайнонанинг боши осмон, бир оғиз «кўнгил кўтарди» гапга борлиғини ҳадя этади.

Одатда инсон зоти бадфеъл бўлиб туғилмайди. Бироқ, ёмон тарбия уни ёмонотлиққа чиқариб қўйиши мумкин. Арзон бўлиб қимматга баҳоланадиган хушмуомалалик, инсонни ром этадиган ширинсуханлик, кўзларни хуштор этадиган ибо, назокат, нигоҳларни тортувчи орасталик қай бир инсон ахлоқини безамайди, дейсиз?

Убайд Законийнинг «Панднома»сида шундай битиклар бор: «Яхшилар дийдорига боқиш — умрни узайтириши, кўзни ўткирлаштириши ва кўнгилни ҳар хил ғубордан пок этишини зинҳор унутманг». Шунингдек, яхши келин ҳам бундан юз чандон ортиқ кўнгилга ором беради.

Яқинда дугонамни ўзга хонадонга узатдик. Дугонам ёқимтойгина, ширин тилли қиз эди. Орадан вақт ўтиб, уникига меҳмонга бордик. Анчагача чақчақлашиб ўтирдик. Гап орасида у тушган хонадонда кўпол муомала одатга айланиб қолганини, бунга ҳеч кўниколмаётганини минг истиҳола билан айтди.

— Сиқилаяпман, — деди бироз қизариб. Биз:

— Ширин муомалангни қилавер, бир кунмас бир кун сендан уялишиб, ўзаро муносабатларини ўзгартиришар, — дея маслаҳат бердик.

У майин жилмайди. Куни кеча яна ўша дугонамни кўчада учратиб қолдим. Қизиқсиндим, турмушини суриштирдим. Маълум бўлишича, ҳамма иши ўнгланиб кетибди. Кўпол гапиришга одатланганлар бора-бора ширин тилли келин олдида хижолат бўлаверишибди. Ахийри, бу хунук одат бу хонадонни тарк этибди.

Чеҳраси нурга тўлиб турган дугонамнинг сўзларини эшитарканман «ширин тил — жон озиғи» деган ҳикматли сўзни эсладим. Юқоридагилар кўнглимдан кечган гаплар, холос. Зеро, ҳар бир фикр замирида олам-олам баҳс талаб мавзу борки, бу ҳақда қанча фикр юритсак — оз. Ҳар бир инсонни бахти билан берсин экан. Унга тўла-тўкис эришганлар эса улуғ оналарга, қадрли оталарга айланадилар. Бундайлар бахти учун вақт, замон сарҳад бўлолмайди.

Ҳулкар НОРҚОБИЛОВА,
Қарши шаҳри.

АЁЛ СЕҲРИ

Байрам арафасида бирга ўқиган дугонамни кўриш учун фарзандларим билан бордим. Дугонам бахтли хонадоннинг бахтли бекаси бўлиш билан бирга янги йил арафасида полвон ўғиллик бўлибди. Исми жисмига монанд — Сардоржон. Ахир кувонмай бўладими, дугонам бечоранинг биринчи турмуш ўртоғи вафот қилиб, ундан Едгори қолган эди. Дугонамнинг бахти очилиб ўзига севимли ёр, ўғлига эса меҳрибон ота топди. Мана бир йил ўтиб, азамат ўғил кўрибди. Тўғри, 12 йил чакалоқ кўтармади. Ўн бир йил ёлғиз Едгори билан яшади. Тақдир экан, унга шундай бахтли кунлар насиб қилибдики, уни эъзозлаши керак. Мен ҳам бу манзарани кўриб юрак-юрагимдан кувондим. Аммо бир нарсага ачиндим ва ҳайрон бўлдим. Дугонам бола бокишни анча эсидан чиқариб қўйибди. Қирқ кунликдан эндигина ошган болани ёш жиянчаси йўргакда типпа-тик кўтариб юрибди, боланинг эса қулоғи шамоллаган. Бола тез-тез тагини ҳўл қилади, йиғлайди ва ором топиб, узоқ ухламайди. Она туни билан мижжа қоқмай тез-тез боласининг олдига югуради. Бола эса йиғлагани-йиғлаган, қўлга олиб кўтарса, бироз жимийди. Ахир бечорани қийнаб қўйибсизлар-ку, деб, мажбурлаб бешикка икки-уч марта силаб-сийпаб беладим. Алла айтиб, ухлатиб қўйдим. Анча мириқиб ухлади. Кетаётганда ҳам дугонамга қайта-қайта болани бешикдан узманг деб тайинладим. Болакай бир қўл мазасини олмасин. Олдими у шум бўлиб қолади, фақат кўтар, деб тинкани қуритади.

— Вой, дугонажон, барака топинг, қўлингизнинг сеҳри борми, болам бечора тинчиб қолди-я. Бир-икки кун қолиб ўргатинг, — деб эси кетди.

Афсуски, ишлик одамман, қололмайман. Қўлимнинг эса сеҳри йўқ. Фақат аёл ўша болани сеҳрловчи алла айтишни билса бас, шунда парваришга, яхши, мулойим овозга ўрганади, дедим. Ҳар қандай аёл болани бешикда катта қилиш кераклигини тайинладим. Дугонам катори барча ўзбек аёлларига маслаҳат берар эдимки, гўдакни йўргакда эмас, аксинча бешикда ўстиринг, катта қилинг, деб.

Норхол ҚУРАМАТОВА,
Жиззах вилояти, Заргарлик шаҳарчаси.

Саволларга Тошкент Давлат иқтисодиёт университети профессори Талъат САЪДУЛЛАЕВ жавоб беради:

253-ХМКК ташкилотида бош муҳандис бўлиб ишлайман. Агарда ташкилотда отаси, акаси ёки яқин оғайниси юқори вазифада ишласа, у ҳолда туғишган ёки яқин уруғини жавобгар шахс лавозимига қўйиб, бирга ишлаши мумкинми ё йўқми?

Х. НУРМАТОВ,
Сурхондарё вилояти,
Музробод райони.

Ўзбекистон Меҳнат қонунлари кодексининг 20-моддасида «ўзаро яқин қариндош ёки қуда-анда бўлганлар, ота-оналар, ака-укалар опа-сингиллар, ўғил ва қизлар, эр-хотинлар, шунингдек, эр-хотиннинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ва болалар бири иккинчисига бевосита бўйсуниб ёки унинг назорати остида хизмат қилса, бундай шахсларнинг давлат муассасаси ва ташкилотида бирга хизмат қилишлари тақиқланади. Демак, давлат ташкилотида яқин қариндошлар бевосита ўзаро бўйсуниш муносабати мавжуд бўлган вазифаларда ишлашлари мумкин эмас.

Мен 39 йил чўпонлик қилиб, 1970 йили нафақага чиққанман. У даврларда чўпонларга 70 сўм атрофида иш ҳақи тўлашган. Мен ҳам шундай иш ҳақи билан нафақага чиққанман. 1993 йил январь ойидан 2526 сўм нафақа ола бошладим. Шу тўғрими?

Ҳайит КУНГИРОВ,
Самарқанд вилояти, Нуробод райони.

Нафақага чиқишдан аввалги иш ҳақингиз миқдорини ва бошқа бир қатор ҳолатларни билмасдан туриб нафақангизнинг аниқ миқдорини ҳисоблаб чиқариш мумкин эмас. Бу вазифани фақат социал-таъминот идоралари бажариши мумкин. Аммо сизга мамнуният билан маълум қиламизки, шу йил 1 апрелдан бошлаб нафақалар миқдорини 30 фоизга ошириш тўғрисида Президентимиз фармони чиқди. Шу фармонларга кўра сизнинг қарилик нафақангиз ҳам анча кўпаяди.

1989 йил сентябрдан 6-ўрта мактабда буфетчи бўлиб ишлаб, савдо режаларини ҳар доим бажариб келяпман. 70 сўмдан маош берилган.

Бугунги кунда менга 500 сўм миқдорида ойлик иш ҳақи тайинланган. Мен эса мактабда 242 ўқувчи ва 50 дан зиёд ўқитувчига хизмат қилиб, яна 78 ўқувчига бепул нонушта бераман. Мактаб билан ишчилар кооперациясининг ораси анча узоқлиги туфайли кунига 150—160 сўм сарфлаб бориб келаман. Ҳозирги шароитда бундай кун кечириш қийин-ку?

Гавҳар ЭШМАТОВА,
Жиззах вилояти, Фориш райони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 18 мартдаги фармонига биноан Республикамизда энг кам иш ҳақи 3000 сўм миқдорида белгиланган ва тўлиқ иш куни, иш ҳафтаси режимда ишлаётган ишчи ва хизматчиларнинг ойлик маошлари ушбу миқдордан кам бўлмаслиги шарт.

Агар тўлиқ иш вақти режимида меҳнат қилаётган бўлсангиз, сизга 500 сўм ойлик белгилаб, қонуннинг бузилишига йўл қўйилган.

Ушбу масала бўйича район касаба уюшмаси қўмитасига ёки район прокурорлигига мурожаат қилишингизга маслаҳат берамиз.

Мен 16 йилдан бери ўқитувчилик қиламан, кунига Бурчимуллодан Янгиқўрғон қишлоғига, яъни, 9 километрдан зиёд йўлни автобусда, баъзан эса пиёда босиб ўтаман.

Бизга Чирчиқ автокорхонаси хизмат кўрсатади. Тошкент-Бурчимулло рейси қатнайди. Лекин доим тиқилинч. Қачон биз учун қулайлик яратилади?

М. СУЛАЙМОНОВ ва бошқалар.

Бозор иқтисоди муносабатларига ўтиш кўпчиликни қийин аҳволга солиб қўйди ва ҳар биримизни ўзимизга қулай ва фойдали ишлар билан шуғулланишга мажбур этмоқда.

Ҳозирча ўқитувчиларга қишлоқ жойларида транспортдан фойдаланиш учун имтиёз беришни кўзда тутувчи қарор қабул қилинганича йўқ, балки яқин-ўртада ўзгариш бўлиб қолар.

Идора ходими, ҳисобчи ёки бош иқтисодчи «Республикада хизмат кўрсатган колхозчи» деган унвонни олиши мумкинми? Бу унвон кимларга берилади?

Ғулом ТЎРАЕВ.

Собиқ СССРнинг барҳам топиши муносабати билан унвонлар ҳам ўз аҳамиятини йўқотмоқда. Ҳозирги пайтда мустақил Ўзбекистон Республикасида «Хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими» фахрий унвони мавжуд бўлиб, илгор қишлоқ хўжалик ходимларига берилиши мумкин.

Мен республика миқёсидаги сил касалликлар санаторийсида газ-оператор штатида ишлайман. Қиладиган ишим район марказидан суюлтирилган балонли газ олиб келиб, газ плиталарга техник хизмат кўрсатишдан иборат. Иқтисодчи томонидан шу штат бўйича аниқ маош қанчалигини билмаганлиги туфайли энг кам иш ҳақи тўланмоқда. 2500 сўм. Маълумки, газ билан ишлаш зарарли касб турига киради. Менинг ойлик маошим қанча бўлиши керак?

Ғофиржон МАДАТОВ,
Наманган вилояти, Поп райони.

Ҳозирги бозор иқтисоди ривожланиб бораётган шароитда корхона ходимларига ойлик маошлар корхоналарнинг бевосита ўзлари томонидан ходимлар билан ўзаро келишилган ҳолда белгиланади. Аммо иш ҳақи 3000 сўмдан кам бўлмаслиги керак.

Иш даврида бир ишчимиз жароҳат олди. Касаллик варақасига нафақа тўлаш учун икки ой, яъни, сентябрь, август ойлари учун иш ҳақи тўланиши керак эди. Октябрь ойининг 1 кунидан бошлаб Президентимиз фармони асосида 1,6 фоизга ойлик маоши оширилди. Биз шу кишига оилада бошқа ҳеч ким ишламаслиги, болаларининг ёшлигини ҳисобга олиб, давлат хўжалиги касаба уюшмаси қўмитаси шу ишчи ишлаган август, сентябрь ойларидаги маошини 0,6 га кўтариб берди. Шундай қилишимиз тўғрими? 1993 йилда 0,25 фоизга яна ошди, энди қандай қилиб касаллик варақасига нафақа тўлашимиз керак?

Юсуп МЕНТЎРАЕВ,
Сурхондарё вилояти, Олтинсой райони.

Амалдаги қонунга мувофиқ турли сабабларга кўра умумий касаллик, ҳомиладорлик ва туғиш таътили, бетоб болаларни парваришлаш ва меҳнатга яроқсизлик варақаси тақдим этилган шахсларга амалдаги иш ҳақи миқдорида нафақа тўланади. Меҳнатда майиб ёки касб касаллигига мубтало бўлиш оқибатида меҳнатга яроқсиз бўлган шахсларга эса сўзсиз касаллик варақаси тақдим этилаётган даврдаги иш ҳақи даражаси ҳисобга олинади. Шунингдек, вақтинча меҳнатга яроқсизлик нафақаси тўланмоғи зарур. Демак, сизларнинг ҳаракатингиз тўғри.

1. 1990 йил собиқ Иттифоқнинг енгил машинаси учун биттамиз ВАЗ—2108 автомобилига 8500 сўм, иккинчимиз Москвич — 2141 автомобилига 10000 сўмдан пул тўлаб, акция сотиб олган эдик, шу акцияларга асосан автомашиналар 1993 йил январдан бошлаб берилиши керак эди.

Ҳозирги кунда иттифоқ тарқаб, мустақил Ўзбекистон республикаси бўлиб қолганлигимиз сабабли бизлар оладиган машиналар тўғрисида ҳеч бир район ва вилоят ташкилотлари машинани олиш-олмаслигимиз тўғрисида аниқ жавоб бера олмаяптилар.

2. Агар машиналар бериладиган бўлса қайси нарх билан берилади?

3. Машина берилмайдиган бўлса, биз акцияни нима қилишимиз керак? Шу ҳақда тўлиқ маълумот бersangиз?

Тойир ҚЎШОҚОВ,
Рашид МЎМИНОВ,
Шарофат ДАГАРОВАлар,
Жиззах вилояти, Зафаробод райони, Охунбобоев номли давлат хўжалигида истиқомат қилувчи мухлисларингиз.

СССР барбод бўлиши туфайли ўша давр заёмлари учун мажбуриятни ўз зиммасига оладиган идора қолмади. Сиз дарҳол заёмингизни (акциянгизни) ўзингиз яшаб турган маҳаллий банк муассасаларига тақдим этишингиз лозим. Улар тегишли йўл-йўриқ беришади.

Мен 6 йилдан бери мактаб кутубхоначиси бўлиб ишлайман. Авваллари дарсликлар учун 30 сўмдан тўланар эди. Эндиликда ана шу қўшимча пулнинг миқдори ошган эмиш. Шаҳар халқ маорифи бўлими ҳисобчилари «бизга бунақа пул келмаган» дейишмоқда.

Бир неча километр масофани йўл кира сарф қилиб китоб олиб келамиз. Ҳозирги йўл кираларнинг ўзи палон сўм. Шулар ҳақида маълумот беришингизни сўраймиз.

Фотимахон ҚАЮМОВА,
Наманган вилояти, Чортоқ шаҳридаги 9-ўрта мактаб кутубхоначиси.

Мавжуд қонунга биноан ташкилотга тегишли юклар, шу жумладан, китоблар ҳам шу корхона-ташкилот транспорти воситаси билан, мабодо транспорти бўлмаса ёлланма транспорт билан ташилмоғи лозим. Корхонага тегишли юкларни ўз ҳисобидан олиб келган ходимга барча харажатларни қайтариб берилмоғи шарт. Демак, сизлар барча харажатларингизни мактаб маъмуриятидан талаб қилишга ҳақлисизлар.

Саҳифани котибият тайёрлади.

БИЗ БИЛМАГАН ОЛАМ

Ишонч № 22 1993 9

ДУНЁГА ҚАЙТА КЕЛГАНЛАР

Ўлим — бошимиз бориб тақ этиб тегадиган девор эмас. Ўлим — дарвозадир. У шом қоронғусида ёпилади ва тонг саҳарда яна очилади.

Виктор ГЮГО,
(«Ҳаёт фалсафаси» асаридан)

— Менинг исмим Суреш Варма, Аградаги радио буюмлари билан савдо қилиш дўконининг эгасиман. Хотиниминг номи Ума, иккита боласи бор,— беш ёшли Торан ёки, оилада эркалаб айтганларидек, Титу шундай деяётганида қишлоқи болакайнинг ингичка овози катта ёшли эркакникидек ногаҳон дўриллаб кетади.

Титунинг ота-онаси бунақа гапни биринчи марта эшитишганда ҳа зилга йўйиб қўя қолишди. Бироқ, у ўша гапларини такрор-такрор айтар ва ҳар сафар янги-янги тафсилотларни қўшиб борарди.

— Бир куни машинада ишдан уйга қайтаётган эдим,— дейди Титу.— Уйга яқинлашганда Ума дарвозани очиши учун сигнал бердим. Шу пайт қўлларида тўппонча билан машинага қараб югуриб келаётган икки кишини кўриб қолдим. Кетма-кет ўқ овозлари янгради ва битта ўқ бошимга келиб тегди...— Шундан кейин бола жазавага тушиб, ота-онасига ликопчалар отар ва сизлар менинг ота-онам эмассизлар, деб бақира бошлар эди.

Титунинг қўрқиб кетган ота-онаси Шанти ва Макавир Прасадлар ўз қишлоқлари Вадхдан 13 километр масофадаги Агра шаҳрига бориб, у ерда радио буюмлар савдо қилиш дўконининг эгаси бўлган Суреш Варма номли одам чиндан ҳам яшаб ўтганини аниқлашди. У беш йил муқаддам ўз уйининг олдида отиб ўлдирилган. Хотинининг исми Ума, иккита боласи бор. Титунинг ғалати хатти-ҳаракатидан хабар топган Ума марҳум Сурешнинг ота-онасини бирга олиб, ажабтовур болани кўргани борди. Учрашув пайтида Титу уларнинг уччовини ҳам таниб, қучоқ очиб югурди. «Марути» маркали автомобилда келишганини кўриб, Умадан эски «Фиат»и қаердалигини сўради. Уни сотиб юборишганини эшитиб, хафа бўлди...

1990 йил бошларида рўй берган бу ғаройиб ҳодиса жаҳон матбуотида катта шов-шувга сабаб бўлиб, олимлар диққатини тортди. Деҳли университетидан Н. К. Чанда ва Виржиния университетидан (АҚШ) Е. Миллз Титунинг ўнг чаккасидаги ғалати тиртиқни текшириб чиқишди. Кейин Суреш Варманинг мурдасини ёриш натижалари билан танишганларида олимлар ўқ шу жойга теккани ва бош суягини ялаб ўтиб, ўнг қулоқ устидан чиққанини аниқлашди. Титунинг шу еридан эса катта нор топилди...

Шу сирли жумбоқ ҳақида ҳикоя қилган «Индиа тудей» журнали ҳозирги вақтда ҳинд олимлари парапсихология соҳасида кенг кўламда тадқиқот олиб бораётганлари тўғрисида ҳам хабар беради. Жумладан, Бангалордаги Руҳий саломатлик ва невропатология илмгоҳи мутахассислари 1975 йилдан буён Титуники сингари 250 воқеани қайд этиб ўрганиб чиқишган.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, 82 фоиз болалар олдинги ҳаётидаги исмини ва турмуш тафсилотларини жуда яхши эслашади. Яна шуниси диққатга сазоворки, бундай одамларнинг ярми олдинги ҳаётида қасддан ўлдирилган. Улар ўртача ҳисобда 34 ёшда ўлишган ва яна бир ярим йилдан кейин қайта туғилишган. 26 фоиз болалар олдинги ҳаётларида ўлимларига бевосита ёки билвосита сабабчи бўлган буюм (тўппонча, арқон, қудуқ ва ҳоказо)лардан қўрқишади, лекин бунинг боисини тушунтириб бера олишмайди.

Олимлар ақл бовар қилмайдиган бу сирли ҳодисани изоҳлаш учун бир қатор фаразларни таклиф этишмоқда, аммо уларнинг биронтаси ҳам ишончли асосга эга эмас. Айни пайтда бу ҳодиса дунёдаги қарийиб барча халқларга ва динларга азал-азалдан яхши таниш. Масалан, қадимги ҳиндларга «сансара», қадимги юнонларда «метемпсихоз» номли динида «таносуҳ ал-арвоҳ» (руҳнинг вужуддан вужудга кўчиб юриши), илм-фанда эса «реинкарнация» (ҳаётнинг такрорланиши) деб аталади.

Бироқ, бу ўринда таносуҳ таълимотининг тарихи ҳақида сўз юритмоқчи эмасмиз, у ниҳоятда улкан мавзу. Шунингдек, реинкарнация ҳодисасига илмий қарашлар тўғрисида ҳам сўз бормайди, унга талай-талай илмий асарлар бағишланган. Мақсадимиз — бу ҳодиса хусусида мавзуимиз доирасидагина сўз юритиш, аёллар дунёга қайта келишда ҳам алоҳида ажралиб туришини, олдинги ҳаётини эркакларга нисбатан яққолроқ эслашини кўрсатишдан иборат, холос. Шу боисдан ҳам ишончли манбалардан айрим мисолларни келтириш билан чекланамиз.

Фақат шуни доимо ёдингизда тутингки, одамни олдинги ҳаётига қайтаришда гипнознинг ретроспектив (орқага, ўтмишга қаратилган) деб аталувчи тури қўлланилади ва у ўта мураккаб бўлгани учун ҳам ҳар қандай гипнозчининг қўлидан келавермайди. Зотан, бунда одам аста-секин ёшлиги, ўсмирлиги, болалигига ва ҳатто чақалоқлик пайтига қайтарилади. Ретроспектив гипноз сеансларида одам энди тили чиқаётган боладай гапиришига, чақалоқлик «пайти»да эса умуман гапирмай йиғлашига ўзим кўп бор гувоҳ бўлганман. Гипнозчи одамни ана шу тариқа туғилмасидан аввалги вақтларга — олдинги ҳаётига олиб ўтади. Тажриба тугаганидан кейин эса уни худди шу тартибда аста-секин ортига қайтариши керак. Бу ҳам ўта машаққатли. Ҳаёт ташвишларидан эзилиб кетган ва ногаҳоний мўъжиза билан беғам болалигига қайтган одам уни тарк этишга, «катта бўлишга» сира унамай қўяди баъзан, ҳатто гипнозчининг сўзига бўйсунмай қолади. Бироқ, уни фақат ўзи учунгина ҳақиқат, аммо аслида мавҳум оламга ташлаб кетиб ҳам бўлмайди-ку! Ретроспектив гипнознинг мураккаблиги ана шунда.

Аввалдан айтиш лозим бўлган яна нималар қолди? Одам бу дунёга ҳар сафар ҳар хил жинсда — эркак ё аёл бўлиб келиши мумкин. Бундан ташқари, ҳар қандай кишининг олдинги ҳаётига оид маълумотларни топишнинг анча осон йўли ҳам бор. Мучал, хилма-хил толеномалар сингари асрлар мобайнида тажриба асосида ишлаб чиқилган махсус жадваллар мавжуд. Улар бўйича одам олдинги ҳаётида қачон ва қайси мамлакатда туғилганини, аёл-эркак бўлгани, феъл-атвори, касбкори ва ҳаётга келиб-кетишидан зиммасига юклатилган асл вазифани аниқлаш мумкин. «Фан ва турмуш»нинг 1991 йилги 9—10-сонларида «Олдин ким бўлгансиз?» номли мақолада 12 та шундай жадвал берилган ва улар бўйича қандай ишлаш кераклиги кўрсатилган. Ўзининг олдинги ҳаётига қизиққан кишилар ана ўша ердан маълумот топишлари мумкин. Тўғри, бу усул ретроспектив гипноз сингари бой тафсилотларга эга эмас, лекин ҳар қалай умумий маълумот бера олади. Қолаверса, мураккаб гипноз сеансини ўтказа олишга қодир мутахассисга дуч келиш қийин, жадвалларни эса ҳар ким топа олади.

Энди реинкарнацияни тасдиқловчи мисолларнинг ўзига ўта қолайлик.

Рут Симмонс воқеаси. АҚШдаги Дюк университети парапсихология лабораториясининг директори Ж. Б. Райн «Эмэрикэн Уикли» журналининг 1952 йилги апрель сонида эълон қилган «Аввал ҳам яшаганмизми?» номли мақоласида Колорадо штатининг Пуэбло шаҳрида яшовчи уй бекаси, ёш жувон Рут Симмонс тўғрисида шундай ҳикоя қилади:

1952 йил оқшомларидан бирида у гипноз тажрибасида қатнашишга рози бўлди. Уни М. Бернстайн гипноз қилиб, «эйж регрэшн», яъни турли ёшларни эслаш усулида вақт бўйича аста-секин орқага қайтара бошлади. Бунда одатдан ташқари ҳеч нарса йўқ, албатта. Бироқ, сеанслардан бирида гипнозчи уни анча олдинги даврларга олиб кетди: «Онгингиз бошқа жойда ва бошқа вақтда пайдо бўлгунингизга қадар... орқага қараб кетаяпти» деб ишонтирди. Шунда у... ёш ирланд қизча Брайди Мэрфи экани, Корк шаҳрида акаси Кетлин ва отаси Дункан билан яшаши, ҳозир 1806 йил экани ва ҳоказолар тўғрисида гапира бошлади. Аста-секин бутун ҳаётини 66 ёшда ўлганига қадар ҳикоя қилиб берди. Буларнинг бари магнитофон тасмасига ёзиб олинган. Кейин жувон Б. Мэрфи жисмоний ўлимидан сўнг руҳий ҳаётда 40 йил мавжуд бўлгани ва 1923 йили яна дунёга келиб, яна Рут Симмонс эканини айтди.

М. Бернстайн Ирландия консулхонаси, Британия ахборот хизмати, Нью-Йорк халқ кутубхонаси ва бошқа манбалар билан боғланиб, жувон маълум қилган тарихий далилларнинг аксариятти тўғри эканлиги аниқланди. Рут Ирландияда ҳеч қачон бўлмаган, ушбу далилларни билишнинг оддий имкониятларига ҳам эга эмас эди.

АҚШдаги Виржиния университети тиббиёт факультетининг психиатрия бўлими доктори Ян Стивенсон болалар ёки катталар олдинги ҳаётини эслаган юзлаб ҳодисаларни ўрганиб чиқди. Ва шу хулосага келдики, бу воқеаларнинг айримларини нормал баҳолашда реинкарнация «тажриба орқали олинган далилларнинг жиддий ва энг тўғри изоҳидир». Стивенсоннинг 1968 йили нашр этилган «Аввалги инкарнациялар тўғрисида хотиралар» номли китоби Америка руҳий тадқиқотлар жамиятининг президентларидан бири Вильям Жеймс мукофотига сазовор бўлди. Бу асарида муаллиф олдинги ҳаёт ҳақидаги хотиралар онгнинг оддий ҳолатида (яъни, одам гипноз қилинмаган ёки транс ҳолатига тушмаган пайтида) ҳам табиий равишда, ўз-ўзидан уйғониши мумкин, деб ҳисоблайди.

Бу фикрга эътибор қилинг, муҳтарам газетхон: Ишончим комилки, умрингизда ақалли бир марта бўлса-да ғалати ҳолга дуч келгансиз: бирон жойга биринчи марта борганингизга қарамай ўша ерда аввал ҳам бўлгандек сезасиз ўзингизни ёхуд бирон воқеа-ҳодиса қачонлардир айнан шу тарзда рўй берганини аниқ биласиз ва ҳоказо. Ақлингиз бу воқеа умрингизда биринчи марта бўлаётганини айтиб турсада, у қачонлардир бўлганига юрагингизнинг ишончи комил. Ажабланарли ҳеч нима йўқ бу ўринда: ақлингиз алдамаяпти, бу воқеа умрингизда чиндан ҳам биринчи марта бўлаяпти, айни пайтда туйғуларингиз ҳам панд бераётгани йўқ, фақат... У олдинги ҳаётингизда рўй берган. Сизда олим айтган ҳолат: олдинги ҳаётга оид хотиранинг бир лаҳзага ярқ этиб уйғониб кетиши юз берди, холос.

Ян Стивенсон «Реинкарнацияга боғлиқ 20 ҳодиса» номли асарида бир-биридан ғаройиб воқеаларни баён қилади. Шундан бир жуфтгина мисол келтирамиз:

УЧ ЁШЛИ ҚИЗНИНГ ХОТИРАСИ

1951 йили Ҳиндистоннинг Мадҳья-Прадеш штатида Мишра деган одам уч ёшли қизчаси Сварнлата билан бошқа болаларни Панн шаҳридан Жабалпур шаҳригача бўлган 170 миль масофадаги олис саёҳатга олиб чиқди. Сафардан қайтиб, Катни шаҳридан ўтаётганларида Сварнлата автобус ҳайдовчисидан «унинг уйи»га олиб борадиган йўлга бурилишни илтимос қилди. Табиийки, ҳайдовчи уч ёшли болакайнинг бу гапига парво ҳам қилмади. Лекин чой ичиб олиш учун Катнида тўхташга тўғри келди барибир, шунда Сварнлата «шу яқин орадаги менинг уйимда чой ичсак яхши бўларди», деди. Бу гап қизчанинг отасини ҳайратга солди, чунки на ўзи ва на оила аъзоларидан бирон киши бу шаҳарда яшамаганини у жуда аниқ биларди. Қизчаси болаларга Катнида, Патхаклар оиласида кечган «олдинги ҳаёти» ҳақида муфассал гапириб бораётганини эшитганида эса унинг ҳайрати янада ошди.

Орада икки йил ўтганидан кейин

Сварнлата аввал онаси, кейин оиланинг бошқа аъзолари олдида ғалати рақсларга тушиб, ажабтовур қўшиқлар айта бошлади. Ота-онасининг айтишича, буларни у ҳеч қаерда ўрганиши мумкин эмасди. 1958 йили 7 ёшга тўлганида Сварнлата Катни шаҳридан келган бир аёлни учратиб қолди ва олдинги ҳаётида уни билганини айтди. Ана шунда отаси қизча «олдинги ҳаёти» тўғрисида айтган бошқа кўпалаб гапларни ҳам эслади.

1958 йил март ойида Жайпур шаҳридаги Ражастхаб университетининг парапсихологи профессор Банержи Сварнлата воқеасини ўрганишга киришди. У Чхатарпур шаҳридан Катни шаҳрига борди ва қизча айтган манзил бўйича Патхаклар хонадонини топиб, улар билан танишди. Профессор Патхаклар уйи ҳақида Сварнлата айтган унга яқин тафсилотларни эслаб қолган эди, қарангки, уларнинг бари тўлиқ тасдиқланди. Банержи Катнига боргунига қадар у ердагилар Патхаклар оиласи тўғрисида умуман ҳеч нарса билмас эди. Бироқ, профессор Сварнлата айтган жуда кўплаб маълумотлар ҳақиқатга тўғри келишини аниқлади. Масалан, Патхакларнинг Бийя деган касалманд қизлари бўлгани, у Майхар деган жойда яшовчи Пандлей деган кишига турмушга чиққани ва Саврнлата туғилишидан саккиз йил аввал — 1939 йили вафот этгани айнан тўғри чиқди.

1959 йил ёзида Патхаклар оиласи ва Бийялар оиласи биргаликда Чхатарпур шаҳрига келишди. Бу кишилар билан таниш бўлмаган Сварнлата тадқиқотчи парапсихологларнинг назорати остида уларнинг барини таниди, ҳар бирининг номини айтиб мурожаат қилди, уларнинг ҳаётидан Бийяга алоқадор бўлган хилма-хил воқеаларни эслади. Қариндошларнинг тасдиқлашича, бу воқеаларни ёлғиз Бийянинг ўзигина билиши мумкин эди. Мисол учун Сварнлата олдинги тишларида олтин пломба бўлганини эслади, Бийянинг келини эса буни тасдиқлади. Патхаклар оиласи руҳ вужуддан вужудга кўчиб юришига шу пайтгача ишонишмаган эди, энди эса Бийянинг руҳи Сварнлата қиёфасида қайтиб келган бўлса керак, деб уйлаб қолишди.

Шу воқеадан кейин, 1959 йил ёзининг ўзидаёқ Сварнлата билан оиласи илк марта Катнига ҳамда Бийя турмушга чиқиб бир неча йил яшаган ва ўлган Майхар шаҳрига боришди. Майхарда Сварнлата бошқа одамларни ва жойларни таниди, Бийянинг ўлимидан сўнг бу ерда кўп нарса ўзгариб кетганини айтди. Унинг ҳар бир гапи услуксиз тасдиқланар эди. Кейинроқ Сварнлата Бийянинг акаси билан болаларини кўргани бориб турди, у айниқса болаларни жуда яхши кўрарди.

Бироқ у ижро қилувчи қўшиқлар ва рақслар ҳаммани ҳайратга соларди. Бийя ҳинд тилида гапирган, бенгал тилини билмасди, Сварнлата эса бенгалча қўшиқ ва рақсларни ижро этарди.

Ян Стивенсон ғаройиб ҳодисани синчиклаб ўрганиб чиққанидан сўнг башарти қизча паранормал онгга эга деб фараз қилмасак, бу воқеани изоҳлаш ғоят мушкул, деган хулосага келди. Акс ҳолда Сварнлата Патхаклар ва Пандлейларнинг оила аъзоларини таниганини қандай изоҳлаш мумкин? Биринчи марта кўриб туришига қарамай, бу жойлар ва одамлар аввал қандай кўринишда бўлганини у қаердан била олди? Гувоҳлар иштирокида 20 га яқин кишини таниганини қандай изоҳлаш мумкин? Сварнлата уларнинг номини ва марҳума Бийяга қандай қариндош бўлганини аниқ айтганини Стивенсон алоҳида таъкидлаб ўтади. Ҳатто, сен янглишдинг деб уни чалғитишга ҳам кўп уриниб кўришган, аммо бунинг фойдаси бўлмаган.

Табиийки, шундай бир савол туғилади: Патҳаклар ва Пандлейларнинг оила аъзолари ҳаммани лақиллатиш учун ўзаро келишиб олишмаганмикан? Стивенсоннинг фикрига кўра, кенг кўламдаги савдо алоқаларига эга бўлган Патхаклар каби нуфузли, обрўй кишилар кўплаб одам қатнашадиган ва кейинчалик тилини тия олмай қоладиган бу хил масхарабозликда қатнашишни ўзларига эп кўришмайди. Башарти бу ҳодиса уюштирилган тақдирда ҳам фақат Чхатарпурдан чиқиши мумкин, холос. Бироқ, Шри М. Л. Мишранинг ўзи буларнинг барига ва қизининг гаплари тўғрилигига узоқ вақт шубҳаланган, шу боис уларни текшириб кўришга 6 йил мобайнида ҳам уриниб кўрмаган. Кўпчиликнинг айтишича, бу воқеалар туфайли Мишралар оиласи ҳатто кулгуга қолган.

Ҳаммани лақиллатишга уриниб кўришган ҳар қалай, деб фараз қилган тақдиримизда ҳам савол туғилади: Сварнлата барча одамларни қандай қилиб бехато таний олди? Унга буларни ким ўргатди, кимнинг шунча бекорчи вақти бор экан? Шри М. Л. Мишра оилада, агар қизини ҳисобга олмасак, шу воқеа муносабати билан жамоатчилик диққатини тортган ягона одам эди. Лекин у бу диққат-эътибордан хурсанд бўлмаган. Бундан ташқари, Шри Мишра Патхакларнинг оилавий ҳаётига оид ва Сварнлатага маълум бўлган ахборотни қай тариқа олган? Мисол учун Бийянинг эри ҳаммадан яширинча хотинидан 1200 рупия олганини ёки тўй пайтида Шримати Агнихорти деган одам ишкал чиқарганини-чи?

Сварнлатага бу гапларни Катни шаҳрини ва Патхаклар оиласини биладиган бирон бегона одам ўргатиши мумкинмиди? Мумкин бўлса, у қизча билан қаерда учраша олган? Стивенсон ёзишича, Ҳиндистонда болалар, айниқса қизчалар ҳаёти узлуксиз қатъий назорат остида кечади. Бинобарин, барча қизчалар каби Сварнлата ҳам ҳеч қачон кўчада бир ўзи ўйнамайди, ҳатто уйда ҳам бегона одам билан ёлғиз ўзи ҳеч қачон гаплашмайди.

ОЛДИНГИ ҲАЁТИДА ЭРКАК БЎЛГАН АЁЛ

Инсоннинг бирон чет тилни одатдаги усулда ўрганмай туриб тушуниш қобилияти «ксеноглоссия» (юнонча «ксенос»— бегона ва «глосса»— эскирган сўз маъноларида) деб аталади. Сварнлата воқеаси каби реинкарнация мавжудлигини тасдиқловчи Лидия Жонсон ҳодисасини ўрганди. Аввало шуни айтиш кераки, ксеноглоссия икки хил бўлади. Нутқий ксеноглоссияда одам аввал ўзи ўрганмаган бегона тилда ногоҳон гапира бошлайди, аммо сўзларнинг маъносини тушунмагани учун бу тилда жавоб қайтара олмайди. Жавобли ксеноглоссияда эса одам суҳбат тилини тушуниш қобилиятини намойиш этиб, бегона тилда жавоб қайтара олади.

1973 йили Лидия Жонсон исмли аёл гипноз бўйича тажрибаларда эрига ёрдам беришга розилик билдирди. Маълум бўлишича, карахтлик ҳолатига осонгина тушиши боисидан у гипноз учун ажойиб манбаъ экан. Доктор Херольд Жонсон эса Филадельфияда машҳур ва муҳтарам зот эди. У 1971 йилдан беморларнинг дардига шифо беришда ёрдамлашай деган умидда гипноз билан шуғуллана бошлаган. Дастлабки тажрибалар яхши ўтганидан кейин доктор вақт бўйича орқага қайтарувчи гипнотик регрессия усулини қўллашга жазм этди.

Бироқ, сеанс пайтида хотини ногаҳон сесканиб кетди ва бошини чангаллаганча қичқириб юборди. Доктор шу заҳотиёқ сеансни тўхтатди, аммо хотинининг бош оғриғи узоқ вақтгача қолмади. Доктор Жонсон сеансни икки марта такрорлади, лекин натижа ўзгармади. Ҳар сафар карахтлик ҳолатига тушар экан, хотини дарёни кўраётганини, унда кекса кишилар чўктирилаётганини айтар эди. Кейин у ўзини ҳам чўктирмоқчи бўлишаётганини сезар, бошига зарба берилганда қичқириб юборар, сўнгра бош оғриғи бошланарди. Пировардида доктор Жон Браун деган (исми ўзгартирилган) бошқа бир гипнозчини таклиф этишга қарор қилди. Доктор Браун регрессия сеансини қайтарди, бироқ кутилаётган зарбадан салгина олдин «Сиз ўн йилга ёшсиз!» деди.

Шу лаҳзадаёқ мутлақо кутилмаган ҳодиса юз берди: Лидия алоҳида сўзлар ва узуқ-юлуқ жумлалар билан гапира бошлади. Лекин бу — бир оз бузилган инглиз тили бўлгани ҳолда аксари сўзлар ҳеч ким тушунмайдиган бегона тил эди. Буниси ҳам майли-я, у эркакча — йўғон овозда гапира бошлади. Кейин эса у:

— Мен эркакман!— деди.
— Исминг нима?
— Якоб Йенсен.

Чуқур уйқу ҳолатида бўлгани ҳолда Лидия Жонсон инглизча ва бегона тил сўзларини аралаш-қуралаш такрорлаганча, олдинги ҳаётини тасвирлаб бера бошлади. Шу ва шундан кейинги сеанслар чоғида у тахминан уч юз йил муқаддам Швециянинг мўъжазгина қишлоғида ўтган аввалги ҳаёти тўғрисида эркакча йўғон овозда гапириб берди. Буларнинг бари муфассал изоҳлар билан магнитофон тасмасига ёзиб олинди. «Йенсен»нинг ҳикоясини таржима қилиш учун швед тили мутахассислари таклиф этилди. Сўнгги сеансларда яна бир аёл қарийиб бошдан-оёқ ўзига мутлоқ таниш бўлмаган швед тилида гапирадиган бўлиб қолди. Мутахассислар эса бу Швецияда XVI асрда муомалада бўлган тил эканлигини аниқлашди. Қуйидаги савол-жавоблар ана шу тилда олиб борилди:

— Касб-коринг нима?
— Мен фермерман.
— Қаерда яшайсан?
— Ўз уйимда.
— Уйинг қаерда?
— Хенсенда.

Савол-жавобларни ёзиб олиб таҳлил этиш асосида мутахассислар «Йенсен» тасвирлаб берган турмуш тарзига хос хусусиятларга эга оддий деҳқон бўлган, деган хулосага келишди. У қишлоқ ҳаётига ва ўзи аҳён-аҳёнда бориб турадиган савдо марказига алоқаси йўқ нарсалар ҳақида кам нарса билар эди. Асосан ғалла етиштириш, от, эчки, парранда боқиб кўпайтириш билан шуғулланган. Хотинининг исми Латвия, болалари бор. Ўзи оилада уч ўғилнинг бири, онаси норвег миллатига мансуб бўлган, болалигида Йенсен уйдан қочиб кетган.

Лидия чуқур уйқу ҳолатида бўлганида олдига турли буюмларни қўйиб, кўзини очишини ва улар нима эканлигини айтиб беришини сўрашди. Аёл Йенсен сифатида XVII асрдаги швед кемасини таниб, ўша вақтидаги шведга номини тўғри айтди, шунингдек, ўша вақтда ғалла ўлчаш учун ишлатилган икки хил ёғоч идишни, ўқ-ёйни, кўкнори уруғларини таниди. Бироқ, замонавий асбоблардан омбур нима учун ишлатилишини билмади.

Бу хил ҳодиса жуда кам учрайди, албатта, ксеноглоссия қобилияти карахтлик ҳолатидан чиқилганидан кейин ҳам сақланиб қолиши эса умуман кузатилмаган. Айни пайтда жавобли ксеноглоссиянинг шундай намуналари ҳам учраганки, гипноз таъсиридаги одам тарихий ҳодисаларни аниқ билишини намойиш этган, ҳолбуки, бу ҳодисаларни на унинг ўзи ва на савол берувчилар билиши мумкин эмас эди.

МАРҲУМАНИНГ ҚАЙТИБ КЕЛИШИ

Американлик мутахассис олим Роберт Альмедер «Реинкарнация» номли асарида Шанти Девига боғлиқ машҳур ҳодисани келтиради. Тадқиқотчиларнинг тасдиқлашича, уни реинкарнация мавжудлигини тасдиқловчи воқеалар орасида энг ишончлиси дейиш мумкин.

Шанти Деви 1926 йили эски Деҳлида туғилган. Уч ёшида оила аъзоларига олдинги ҳаёти ҳақида, хусусан, Муттра шаҳри яқинида яшовчи Кендарнарт исмли одамга турмушга чиққани, иккита фарзанд кўргани ва 1925 йили — учинчи боласини туғиш пайтида вафот этгани тўғрисида гапириб бера бошлаган.

Сварнлатага ўхшаб Шарти ҳам эри ва болалари билан яшаган Муттрадаги уйини батафсил тасвирлаб берган. Олдинги ҳаётида исми Лужи бўлганини айтган. Шунингдек, эри ва ўзининг қариндошлари, олдинги ҳаёти қандай кечгани ва қандай ўлгани ҳақида гапириб берган. Бироқ, у Сварнлатадан фарқли ўлароқ шу қадар тез — ўлганидан кейин атиги бир йил ўтиб қайта туғилдики, бўлиб ўтган воқеа-ҳодисаларни ҳам яхши эслаб турган қариндошлар ёрдамида кўп нарсани текшириб кўриш имконияти бор эди.

Шантини бу «эртак»лардан чалғитишга ота-онасининг қурби етмай қолганидан кейин ёши улуғ қариндошлардан бири Кишен Чанд қизчанинг ҳикояларида ҳақиқатга тўғри келадиган бирон нима бор-йўқлигини аниқлаш учун у кўрсатган манзилга мактуб йўллади. Мактуб хотини Лужининг ўлимига ҳануз мотам тутиб юрган Кендарнартнинг қўлига келиб тегди ва уни ларзага солди. Лужи 1925 йили кўзи ёриш пайтида вафот этганди. Бироқ, Лужи қайта туғилганига, Деҳлида яшаётганига, «янги» оиласининг фотосурати ҳақиқий эканига мотамсаро эрнинг ишониши қийин эди. Бу аччиқ ҳазил бўлса керак, деб ўйлаган Кендарнарт Деҳлида яшовчи амакиваччаси мистер Лаълдан қизчанинг олдига бориб, гаплашиб кўришни сўради. Мабодо ҳазил бўлса, дарҳол очилиши аниқ эди.

Мистер Лаъл бир иш баҳонаси билан Девилар хонадонига келганида эса унга эшикни Шанти очди ва шу заҳотиёқ қичқириб юбориб, ажабланган меҳмонни қучоқлаб олди. Шу орада ичкаридан онаси чиқди ва ҳали меҳмон ўзига келиб улгирмай туриб Шанти (у энди 9 ёшда эди) «Ойижон, бу эримнинг амакиваччаси бўлади! Муттрада бизга яқин жойда яшарди, кейин Деҳлига кўчиб кетди. Уни кўрганимдан хурсандман, уйга кира қолсин. Мен

ундан эрим билан ўғилларим ҳақида сўраб-суриштирмоқчиман» деди.

Хуллас, Шанти оиласида кўп йиллардан бери гапириб келаётган нарсаларнинг барини М. Лаъл тасдиқлади. Сўнг ҳаммалари Кендарнарт билан ўғли Девилар оиласининг меҳмони сифатида Деҳлига келишлари керак, деб қарор қилишди.

Кендарнарт ўғлини олиб Деҳлига келганида эса Шанти уларга отилиб, ўпиб-қучоқлаб бағрига босди. У Кендарнартга меҳрибон хотиндек муомала қилар, дастурхондаги бор ноз-неъмат билан сийлашга уринар эди. Кендарнарт ўпкаси тўлиб кетиб, йиғлаб юборганида эса Шанти уни фақат Лужи билан Кендарнарт икковигагина маълум бўлган эркаловчи сўзлар билан юпата бошлади. Бу воқеалар ҳақида матбуот хабар бергач, олимлар, тадқиқотчилар келиб ўрганишга киришишди. Улар Шантини олдинги ҳаётида яшаган ва ўлган уйини кўрсатиш учун Муттрага олиб боришга қарор қилишди.

Поезд Муттрага етиб келганида эса Шанти бекатдаги одамларни кўриб, шодлигидан қичқириб юборди ва қўл силкий бошлади. Олимларга «бу эримнинг онаси билан акаси», деб тушунтирди. Чиндан ҳам шундай бўлиб чиқди. Энг муҳими — поезддан тушиши билан Шанти маҳаллий лаҳжада гапира бошлади. Бу лаҳжани у аввал эшитмаган, ўрганмаган бўлиб, шу жойда туғилиб ўсган тақдирдагина билиши мумкин эди.

Шундан сўнг Шанти олимларни «ўзининг уйи»га бошлаб борди ва ёлғиз Лужининг ўзигина билиши мумкин бўлган нарсаларни ҳикоя қила бошлади. Масалан, Кендарнарт ундан «узукларни ўлмасингдан аввал қаерга яширгандинг», деб сўради. Шанти эса «тувакка солиб, олдин яшаган уйимизнинг ёнидаги ерга кўмиб қўйганман», деб жавоб берди. Олимлар узукларни айнан ўша жойдан топишди.

Хулласи калом, бу ғаройиб воқеалар янада ривожланиб кетди, халқаро матбуот саҳифаларида эълон қилинди, кўплаб илмий баҳсларга сабабчи бўлди. Биз бу ўринда эса реинкарнацияга доир бир неча мисол келтирдик, холос. Бироқ, бу мақолада мисолларнинг ўзи билангина танишилди. Масаланинг бошқа жиҳатлари, шунингдек, илм-фан фикри, олимларнинг шу соҳада олиб бораётган изланишлари — алоҳида суҳбат учун мавзудир.

Рассом Олимжон ХОЛИҚОВ

Рустам ОБИД.

Баҳоуддин Нақшбандий таваллудининг 675 йиллиги олдидан

Шарқ халқлари тафаккури тараққиётига катта ҳисса қўшган Баҳоуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Бухорий (1318—1389) нақшбандия тариқатининг илк шайхи бўлиб, ҳижрийнинг 718 йили Бухоро атрофидаги Қасри Орифин қишлоғида туғилди. Бу кишининг буюк шуҳрат қозонишига қарамасдан таржимаи ҳоли ҳақида қўлга илинарли саҳифалар бизгача етиб келмаган. Ота-боболари орасида шуҳратли бирор кимса бўлмаганлигига қарамай, тарихчилар унинг насабини ал-Имом Жаъфар ал-Содиқ деб ҳам битганлар. Нақшбанд лақаби эса бу тариқат-йўлнинг баъзи асосларига таяниб, бошқалар тарафидан берилган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Негаки, «нақшчи» маъносига тўғри келадиган сўз «нақш» ва «банд» (нақш боғлаш) демакдир.

Баҳоуддин Нақшбанд ҳали уч кунлик чақалоқлик чоғида Қасри Орифинга келган Ҳожа Муҳаммад Бобойи Саммосий тарафидан монавий авлодлигига қабул этилди. Шунда Ҳожа Муҳаммад боланинг доимий тасаввуф йўлида тарбиялаб бориш ишини у пайтда доимо ёнида бўлиб юрган Саййид Амир Кулолга ҳавола этди. Бундан сўнгра то 18 ёшга қадар Нақшбандниг тарбия ва тарзига доир манбаларда бирор бир маълумот йўқ. Отасининг турли-туман тасаввуф аҳли ва унинг арбоблари билан Нақшбандни таништириш ва уларнинг суҳбатларидан фойдаланиш мақсади билан Самарқандга қадар олиб келганлигини назарга олсак, унинг таълим ва тарбияси билан шуғулланганлиги аён бўлади. Баҳоуддин Самарқанддан қайтган замон у ҳали 18 ёшда бўлган чоғидаёқ уйлантиришади. Бу орада Хожа Азизонга илашган одамлар кийган кулоҳдан унга ҳам юборилиши муносабати билан тасаввуф фикрларига майли ортиб, унинг мижозида катта бир ўзгариш юз берди. Кўп ўтмай Хожа Амир Кулол Қасри Орифинга келди ва Саммосийнинг васиятини эслаб, уни тасаввуфий тарбиялаш учун қабул қилди. Бу воқеадан сўнгра Амир Кулол Насаф (ҳозирги Қарши)га қайтади. Кўп ўтмай Нақшбанд унинг ҳузурига бориб, етти йил ораси унинг хизматида бўлади. Шунда у зикр талқинини ва сулук адабини Амир Кулолдан ўрганади. Шуниси ҳам борки, у ўзининг бу йўлга киришига фақат Абдуҳолиқ ал-Ғиждувонийнинг руҳониятига бурчли эканлигини таъкидлайди. Худди шундай, ўзини Амир Кулолга қарши қўйиб, Абдуҳолиқ ал-Ғиждувонийга эргашиб, яширин зикр этишни устун қўйиш фикрини қувватлайди. Яширинча бу ҳаракат тарзи Амир Кулол муридлари учун шикоят этишга баҳона бўлди. Шуниси ҳам бор эдики, Амир Кулол ҳар турли йўл билан Нақшбандниг бу ҳатти-ҳаракатини тақдирлар, уни қўллаб-қувватлаб юрарди. Ниҳоят бир кун, Бухорода масжид қурилаётган пайтда уни кўришга келган беш юз чоғлиқ дарвешлар орасида Амир Кулол Баҳоуддин Нақшбандга унинг бундан кейинги хатти-ҳаракатида озод эканини, хоҳ турк бўлсин, хоҳ тожик бўлсин фойдали бўлган ҳар шайхдан файз олиш мумкинлигини сўзлади. «Рашаҳот»га кўра Нақшбанд бундан кейин етти йил давомида Ориф Дилгироний суҳбатида бўлади. Ундан сўнгра ҳам вақт келиб яссавия тариқати шайхларидан бўлган Қусам Шайх ва Ҳалил Ота билан танишди. Бир қанча вақт ҳукмдор ҳам бўлган Ҳалил Ота хизматида,

ТАҲСИН турк адиби.

бир ривоятга кўра олти, бошқа ривоятга кўра ўн икки йил қолди. Бу хукмдор шайхни гумдон қилиш борасида қилган қилгуликларидан руҳан эзилган Нақшбанд дунё ишларидан қўл ювиб, барча хатти-ҳаракатларидан ҳафсаласи пир бўлиб, ниҳоят Бухоро қишлоқларидан бўлган Зивартунга келиб жойлашди. Ҳатто у шайхлардан ташқари Мавлоно Баҳоуддин Қишлоқий дегандан ҳам ҳадис ўқиганлиги маълум.

Нақшбандниг бундан кейинги ҳаёти ҳақида маълумот йўқ, шу билан бирга қайси вақтдан буён мустақил равишда тариқат фаолиятини бошлагани ҳам маълум эмас. Шундайки, Амир Кулолнинг 772 (1370) йилда юз берган вафотидан бироз аввал ўз муридларига, бундан кейин Нақшбандга бўйсуниш кераклиги тўғрисидаги васиятига ҳамда Нақшбандниг бу вақтдан анча илгари ундан айрилгани назарга олинса, унинг бу вақтга келиб анча-мунча тарафдорлар гуруҳи тўплай олгани маълум бўлади. Нақшбанд камолатга эришгандан сўнг икки марта ҳаж қилди. У иккинчи бор ҳаж қилишида ўзининг ўринбосарларидан Муҳаммад Порсони муридлари билан бирга Нишопурга жўнатади, ўзини эса Зайнуддин Абу Бакр ал-Тойибодийни зиёрат этиш учун Ҳиротга бориб, уч кун давомида бу шахс билан суҳбатлашгандан сўнг Нишопурга бориб, уни кутиб турган дўстларига қўшилди. Ҳаждан қайтишда Бағдодга борди, ундан Марв тарафга йўл олди. Бу ерларда бир қанча вақт қолиб, Бухорога жўнади. Балки ўз тариқатини ёйиш мақсадида қисқа вақтга ён-атрофларга сафар қилиб турган бўлса-да, лекин Бухородан айрилмади. Шундай, саёҳатларнинг бирида Сараҳсда бўлган чоғида Ҳирот ҳукмдори Муизуддин Ҳусайн уни Ҳиротга даъват қилди. Бу ҳукмдор ва унинг оиласи тарафидан юборилган ҳадялар қабул қилинмаганлиги ва ҳозирланган турли-туман таомлардан емагани ва Ҳирот кўчаларида ниҳоят даражада паҳмурдаҳол бир қиёфада кезиши халқ орасида унинг шуҳратини яна ҳам ошириб юборди. Бухорода хоҳ тасаввуф, хоҳ бошқа соҳалардаги йирик одамлар унинг теварак-атрофига тўпланиши бир кун дин аҳлларининг ғашига тегса ҳам булар Нақшбандниг дин ва тасаввуф соҳасидаги кенг билими қаршисида мажбуран жим қолдилар.

Баҳоуддин Нақшбанд вафотидан бир кун олдин муридларига васият қилиб, улар ўринбосари бўлган Муҳаммад Порсога бўйсунишларини тайинлаган. Шу билан у 3-нчи рабиул ул-аввал 791 (2 март 1389 йил) душанба куни 73 ёшида вафот этди ва ҳозир кўпчилик томонидан зиёрат этиладиган турбасига дафн этилди.

Одми бир ҳаёт кечирган Баҳоуддин Нақшбанд ҳаром нарсадан ўзини ўта даражада тияр, ҳадя келтирганларга ҳадя билан жавоб берар, аммо бу борада пайғамбар каби хатти-ҳаракатда бўлишини ўзига эп кўрмасди. Меҳмонга кўп ҳурмат-эҳтиром кўрсатар, унинг кўнглига қараб, ҳатто зарур бўлса тутаётган рўзасини бузишга тайёр бўлиб турар ва шуни сўзлар эди.

Яна табиатидаги ижобий бўлган кўп хусусиятларидан ташқари Баҳоуддин Нақшбанд ўз фикр-мулоҳазасига Муҳаммад ибн Али ибн ал-Ҳусайн ат-Термизий ва унинг асарларидан миннатдор эканини сўзлайдилар. Шундайки, унинг ўзи ҳам Ҳаким Термизий тариқатига боғлиқ бўлганини сўзлайдилар.

Маъмун ибн Аҳмад ибн Иброҳим ал-Турнавий билан Муҳаммад ибн Мустафо ал-Ҳодимий тарафидан бажо келтирилган «Ал-Аврод ал-Баҳоийя» деб танилган манбанинг икки шарҳи мавжуд.

Нақшбандга ҳавола этиладиган ва ё ҳеч бўлмаса ундан сўнгра бу от билан шуҳрат топган тариқат излари ундан ҳам олдин Ғазнавийлар даврида учрайди. Айниқса, бошланғич даврда фақат баъзи асослари очиқ бўлган тариқат чинакамига ўз шахсиятинй Хожа Юсуф ал-Ҳамадонийдан сўнг олди. Аҳли суннат ақидаларига боғлиқ бўлгани учунми, одамларни ҳалифалик борасида бир овоздан қўллаб-қувватлаши натижасида суннат ҳукмдорларининг рағбат ва ёрдамига манба бўлди. Шу билан бирга Нақшбанд Юсуф ал-Ҳамадонийнинг ҳалифаларидан бўлиб, Аҳмад Яссавий тариқатини Мовароуннаҳрда, Абдулҳолиқ Ғиждувоний эса Хоразм ва Хуросонда ёйилишига ёрдам берди.

Бу орада бир қадар заифлашган Ғиждувоний асослари Баҳоуддин Нақшбанд тарафидан яна қайтадан жонлантирилди.

Кўринишича ал-Ғиждувоний асосларига содиқ қолган Баҳоуддин Нақшбанд ўз тариқатини увайсийлик ва робита каби икки асос билан кучайтирди. Бошқа тариқатларини аксига юриб, тариқат силсиласида Алининг ўрнига Абу Бакрни қўйиш ҳамда бошқаларда озгина бўлса-да, шиалик таъсирига берилмади.

Шу каби бирозгина бўлган фарқлар етилган замон ва муҳитнинг таъсирини ҳисобга олмаганда, айтиш мумкинки, Баҳоуддин Нақшбандга нисбатан бериладиган тариқат йўли, Ғиждувонийдан эътиборан Хўжагония номини олган бир тариқатнинг давомидан иборатдир. Бу борада унга нисбатан бериладиган Яссавий тариқатининг ҳам Нақшбандийлик борасига таъсири бўлган.

Яна шуниси ҳам борки, Баҳоуддин Нақшбанд номи билан шуҳрат топган ва катта бир куч-қувватга эга бўлган бу тариқатнинг Ўрта Осиё, Хуросон ва унинг тевараклари сунний мазҳабига ўтишига ҳам катта таъсири бўлди. Орадан кўп ўтмай Убайдуллоҳ Хўжа Аҳрорнинг ўринбосари бўлган ҳамда мулла Илоҳий Симавий номи билан шуҳрат топган Шайх Абдуллоҳ Илоҳий Симовий воситаси билан Туркияда Боқий Биллоҳ Қобулий тарафидан ҳам Ҳиндистонда кенг қўламда ёйилиши имконини ҳам олди.

Ҳиндистонда Мужаддидия деган от билан, ундан Ҳижоз, Ироқ ва Сурия тарафларига ёйилди, кейинчалик Сурияда унинг Холидия деган тармоғи ташкил бўлиб, элга ёйилиб кетди.

Турк тилидан
Абдусодиқ Ирисов таржимаси.

Қурбон ҳайити

ИСЛОМ ахлоқида унинг хусусий маросимлари, айниқса, икки асосий ҳайит — Ъийд ал Қабир яъни катта ҳайит (Қурбон ҳайити), Ъийд ал Фитр — Рўза ҳайити (Қичик ҳайит) муҳим ўрин тутади. Ъийд — ал Қабир ва Ъийд-ал Фитр ҳайитлари расули акром Муҳаммад алайҳиссаломнинг Маккан Мукаррамадан Мадинаи Мунавварага ҳижрат қилган йиллари, яъни ҳижрий сананинг биринчи йилидан бошланган. Бу икки ҳайит кунларини барча мусулмонларнинг хурсандчилик ва ўйин кулгу билан нишонлашлари Муҳаммад пайғамбаримиздан суннат бўлиб қолган. Имом ан Нисоий шундай ҳадиси шариф келтирадилар: «Расулуллоҳ Мадинага ҳижрат қилиб келганларида мадиналиклар қадимдан бир йилда икки кунни байрам килар эдилар. Ул зот Оллоҳнинг амри билан шу икки кунни улардан яхшироғига, яъни Рамазон ва Қурбон ҳайитларига алмаштирдилар».

Ҳазрати Ойшаи Сиддиқа онамиз Расулуллоҳнинг жуфти ҳалоллари ҳикоя киладиларки: «Мен Ҳайит кунлари Расулуллоҳ билан бирга ҳабашларнинг ўйинларини томоша қилиб ўтирар эдим. Роса кўриб, тўйганимдан кейин қайтар эдик». Яна Ойшаи Сиддиқа айтадиларки: «Бир ҳайит кунида мен икки жория қизларнинг ашулаларига кулоқ солиб ўтирган эдим, бехос отам Абу Бакр Сиддиқ келиб қолдилар. Бизни бу ҳолда кўриб уч марта «Бу шайтон-наволар-ку!» деб қойий бошладилар. Шунда ногоҳ Расулуллоҳ ҳам келиб қолдилар ва Абу Бакрга қараб: «Эй Абу Бакр, уларни ўз ҳолларига қўйинг, зеро ҳар бир халқнинг ўз байрами бўлади. Бугун бизнинг байрамимиздир», дедилар.

Ҳадиси Шарифларда таъкидланганидек, Муҳаммад алайҳиссаломнинг таот-ибодат билан масрур бўлган табиатларига ҳаётнинг завқ-шавқлари ҳам бегона бўлмаган. У муборак зот ҳайит кунлари куй-қўшиқлар тинглар, халқ томошаларини берилиб томоша қилар эканлар, Пайғамбаримиз суннатидан келиб чиқиб, ҳайит кунлари ўзбек халкининг ҳам азалий анъаналари бўлган чавандозлик, кўпкари, дор ўйинлари, қиличбозлик, кураш, мақом, халқ ашулалари кўриклари уюштирилса кандай яхши бўларди. Зеро, ҳайит кунларини хурсандлик, тинч-тотувлик ва Яратганнинг тортиқ этган неъматларига шукроналик билан ўтказишлик, қариндошлар, ёру биродарлар бир-бирларини зиёрат қилишиб, кутлашиб, ҳол-аҳвол сўрашлари, кексаларни, беморларни бориб кўришлари хайрли ишлардан саналади.

Ҳайитлар эрталаб Бомдод намозидан сўнг «Ҳайит намози» ўқиш ибодати билан бошланади. Қурбон ҳайити куни эрталабки нонушта қилинмайди. Рўза ҳайитида эса эрталабки тамадди вожиб қилинган. Ҳайит намозлари жамоа бўлиб, намозгоҳларда, масжидларда ўқилади. Ҳайит намозларига тоза, чиройли, янги кийимлар кийиб, атр-упалар сепиб, хуш кайфият ва эзгу ниятлар билан бориш, Бомдод намози ўқиб бўлингандан сўнг Ҳайит намозгача имом-хатиблар, кориларнинг ваъзларини тинглаш таомилдир.

Бу улуғ айём кунлари болаларни ҳайитликлар билан сийлаш, етим-есирларга хайрия ва садақалар бериш савоб ишлардан саналади. Ҳайит кунларини хурсандлик, тинч-тотувлик ва Оллоҳнинг бандаларга тортиқ бехисоб ноз-неъматларига шукроналик билан ўтказишни илоҳо, ҳаммамизга насиб айлаган бўлсин! Ҳайит кунлари қариндошлар, ёру биродарлар бир-бирларимизни зиёрат қилайлик, кутлайлик, ҳол-аҳвол сўрайлик! Кексаларни, табаррук зотларни бемор-хасталарни бориб кўрайлик, ўтганларни ҳам эсдан чиқармайлик!

Ъийд ал Қабир — Қурбон ҳайитида мусулмонларга фарз қилинган исломнинг бешинчи устуни — Маккаи мукаррамада муборак Ҳаж ибодати ҳам адо этилади. Аёнки, муборак Ҳаж ибодати ҳам имкони бор мусулмонларга фарз қилинган. Муборак Ҳаж ибодатининг ҳам хусусий расм-русумларидан энг муҳими Маккаи мукаррамада Қурбон ҳайити номозини ўқиш ва жонлик сўйиб, қурбонлик қилишдир. Маккатуллоҳдаги муқаддас Каъба тавоф қилинади, Замзам кудуғидан обирахмат суви ичилади ва бошқа расм-русумлар бажарилади. Ҳар йили муборак Ҳаж ибодатига 2,5—3 миллион аҳли муслим тўпланиб, иймон-эътиқод синовидан ўтадилар. Муқаддас Каъбада Ъийд ал Қабир ҳайитида қатнашиб, муборак Ҳаж ибодатини адо этишга мушарраф бўлганлар Ҳожи фахрий унвонига сазовор бўладилар.

Қурбонлик қилиш маросими дунё динларининг барчасида мавжуд. Зардуштийларнинг «Авасто», яҳудийларнинг «Таврот», «Забур», христианларнинг «Инжил» китобларида ҳам қурбонлик қилиш марсоми хусусида ривоятлар бор. Қурбонлик қилиш маросими исломда алоҳида нуфузга эга.

Қуръони Каримнинг «Ва-с-соффот» деб номланган 37-сурасида иймон-эътиқод ва ундан келадиган фойдалар, куфру исён ва ундан етадиган зиёнлар, Аллоҳнинг амру фармонларига мунтазир зотлар ҳакида сўзланади: бир неча пайғамбарларнинг «чиройли амал қилгувчи» бандалар бўлганликлари, хусусан, Иброҳим алайҳиссалом Аллоҳ таоло томонидан ўз ўғиллари Исмоилни қурбон қилишга буюрилгани ва уларнинг Яратганнинг амрига қулоқ қоқмай итоат этган чоғларида, Аллоҳ таоло жаннатдан бир қўчкор тушириб, Исмоил алайҳиссаломнинг ўрнилариga ўшани сўйишга буюргани ҳақидаги хабар билан иймон ва эътиқод синови зикр қилинади: «Бас, қачонки (Аллоҳнинг ваҳисига кўра Иброҳим ўз ўғли Исмоилни қурбон қилиш учун) пешонаси билан ётқизган эдики, Биз унга нидо қилдик: «Эй Иброҳим, дарҳақиқат, сен тушингни рост-бажо қилдинг. Албатта Биз чиройли амал қилгувчиларни мана шундай мукофотлармиз. Албатта бу очиқ-равшан имтиҳондир, холос. Биз (Исмоилнинг) ўрнига (Иброҳимга) катта бир қўчқорни сўйишни эваз қилиб бердик (уни жаннатдан туширдик). Ва кейинги (авлод)лар орасида (Иброҳим ҳакида) гўзал мактовлар — олқишлар қолдирдик... Биз томонимиздан Иброҳимга салом бўлгай. Биз чиройли амал қилувчиларни мана шундай мукофотлармиз. Дарҳақиқат у Бизнинг мўмин бандаларимиздандир» (37-сура, 103-111-оятлар).

Ъийд ал Қабир ёхуд қурбон ҳайити куни имкони бор мусулмонлар ҳамда Муборак Ҳаж ибодати мақомига эришганлар жонлиқ сўйиб қурбонлик қилишлари иймон-эътиқод имтиҳони сифатида вожиб бўлди. Қурбонлик гўштидан тайёрланган таомлар оила аъзолари, қариндошлар, ёр-дўстлар ва қўшнилар билан баҳам кўрилади.

Қуръони Каримнинг қурбонлик қилиш буюрилган оятларида шундай дейилади: «...Бас, уларни сўйиш, (қурбонлик қилиш) учун тизиб қўйилган ҳолларида Аллоҳнинг номини зикр қилингиз. Энди қачон ёнбошлари билан тушганларида (яъни жон таслим қилганларида) улардан ўзларингиз ҳам еяверинглар, (бировдан бир нарса сўрамайдиган) қаноатли кишига ва муҳтож тиланчига ҳам едиринглар. Шукр қилишларингиз учун Биз уларни (яъни туя, молларни) сизларга бўйсундирдик. Аллоҳга қилган қурбонликларингизнинг гўштлари ҳам, қонлари ҳам етмас. Лекин у зотга сизларнинг такво-ихлосингиз етар. Аллоҳ сизларни ҳидоят қилгани сабабли, у зотни улуғлашларингиз учун, яъни қурбонлик қилаётган пайтда Аллоҳнинг исмини зикр қилишингиз учун уларни сизларга бўйсундириб қўйдик. Яхшилик қилгувчиларга хушхабар беринг, албатта Аллоҳ иймон келтирган зотларга мудофаа қилур. Албатта Аллоҳ барча хоин ва куфрони неъмат қилгувчиларни суймас». (22-Сура, 34—38-оятлар).

Ъийд ал Қабир — қурбонлик ҳайити мусулмонларнинг энг катта шод-хуррамлик байрами! Бу кун Ўзбекистон Президентининг фармони билан дам олиш кунига айлантирилган. Шу боис бу улуғ айёмда одамлар ўртасида мурувват, меҳр-оқибат жўшмоғи, хайр-саховат, иззат-ҳурмат, қадр-қиммат, одамийлик тантана қилмоғи вожибдир! Қурбон ҳайитига мотам кайфияти бегона! Ўтганларнинг яхши фазилатлари эсланмоғи, улуғлар зиёрати хурсандчилик келтирмоғи савобдир! Қарияларга, ота-оналарга, келинларга, болаларга, етим-есирларга совға-саломлар улашиш руҳиятимизни кўтаради!

Ғуломхон ГАФУРОВ.

ОНАҲОНИМИЗ

МУКАРРАМА Турғунбоева ижро этган машҳур «Тановар» рақсини ким эсламайди, дейсиз. Оқ шоҳи кўйлак устидан бекасам камзул кийган, товар дуррани пешонага дол қўйиб сарвқад, гўзал чеҳра, ҳумор кўзлар минг нозу истиғно билан ёр васлига интизор...

Юраклар шиғ этиб, раққосага қўшилиб, каптардек чарх урарди. Узоқ олқишлардан сўнг «Тановар» яна такрорланарди, яна жозиба намоён. Кейин «Рохат», «Баёт», «Жонон», «Занг», «Пилла», «Ғайратли қиз» рақслари бир-бирига уланиб бораверар, олқишлар тинмас, саҳнадаги ўтли жозиба, гулгун табассум, оппоқ нур, соф севги томошабин кўзини, кўнглини қувонтириб, энтиктирарди. Машҳурҳофиз Маъмуржон Узоқовнинг «Жонон бўламан деб хаммани куйдирасанми...» деган қўшиғига Мукаррамахоним ўйнаганида раққоса санъатига сеҳрланиб қоларди киши.

Ўзбекистоннинг барча шаҳар ва қишлоқларида бу сеҳргар, ошуфта раққосани поёндозлар ёзиб, қучоқларини кенг очиб, минг карра ифтихор билан кутиб олардилар. Унинг қадами етган жойга файз тўкиларди. Билакларда ғайрат мавжланарди. Катта Фарғона канали ва Фарҳод ГЭСи қурилишларида кўп хизмат қилган у. Мукаррамахониму Тамарахонлар келармиш дейилса бас, шу куни икки ҳисса кўпроқ норма бажарарди одамлар. Ана шунақа эди Мукаррамахоним.

Фарғонада туғилиб-ўсиб, водий табиатига шайдо ўсган Мукаррамахоним ўзбек рақсларига мустаҳкам ҳайкал қўйиб, санъаткор номини улуғлади. Инсонийликда юраклардан мангу жой олди, жўшиб-ёниб яшади. «Баҳор» ансамблини ўзи яратиб, ўзи тарбиялаб, камолга етказди. Қирқ нафар раққоса қизлару ўн-ўн беш чоғлик мусиқачи йигитларни ўғлим, қизим деб меҳр берди, ардоқлади. Бу баркамол «Баҳор» оламга ўзбек қизларининг рақсларини, ўзбек қизларининг ҳусну латофатини намоён эта олди.

Сўз Мукаррамахонимнинг бир неча сафдошлари ва шогирдларига:

Наби Раҳимов — Ҳамза номидаги ўзбек Академик драма театрининг атоқли артисти:

— Яхшидан боғ қолади, деганлари шу-да. Мукаррамахонимдан «Баҳор» қолди. Гўзал, дилбар, дардли рақслар қолди. Энди «Баҳор» қизлари Мукаррамахонимнинг бетакрор рақсларини келажакка узатадилар, деб ишонаман.

Мукаррама мард аёл эди. Ўз ишига, санъатга чуқур масъулият билан қарар, фидоий эди, ҳақиқий маҳорат эгаси эди у.

Мен уни илк бор Фарғонада театримиз сафарга борганида кўрганман. Мукаррамахоним бошида ироқи дўппи, орқасида қирқ кокил сочи, эгнида Фарғона шабодасига яраша ҳарир кўйлак. Эҳ-эҳ, унинг жуда нозик, жуда нафис ва ўта дилбар рақслари жон олгудай эди. Ўз рақси билан юксакликка эришди ва бу юксакликни бир умр бой бермади.

Ҳақиқий санъаткор мисоли табиб, томошабинни даволайди. Эҳ-ҳе, Мукаррамахонимнинг табиблигига таъриф йўқ.

Маъмура Эргашева, Мукаррама Турғунбоева номидаги «Баҳор» Давлат халқ рақс ансамбли бадиий раҳбари, Ўзбекистон халқ артисти:

— Эсимни танибманки, ҳар йили қиш чилласида опа кўлларида гул билан уйимизга бир жаҳон бўлиб кириб келардилар, туғилган куним билан табриклардилар. Аям билан жонажон ўрток эдилар-да. Ва албатта мени ўйинга тушириб, хурсанд бўлиб ўтирардилар. Шу қизинг раққоса бўлади, «Баҳор»га берасан, дердилар. Худди айтганларидай бўлди. Хореография билим юртини битириб, «Баҳор»га келдим. Опанинг кўз ўнгида, опанинг қанотида ўсиб-ўндим. Мукаррама опа бутун ёшлигини, соғлиғини «Баҳор»га бахшида қилиб кетдилар. 200 га яқин рақс яратдилар. Ҳар бир рақснинг туғилиши, камолга етиши йўлида жуда қаттиқ, жуда мураккаб меҳнат қилдилар.

— Мен борманми йўкманми, «Баҳор» яшаши керак, Маъмура, — дердилар опа, — «Баҳор»ни севгин, «Баҳор»га юрагингни бергин, керак бўлса ҳимоя қил, дердилар. Опа билан «Баҳор» Япония, Арабистон, Ҳиндистон, Сингапур ва Марокашга, Афғонистону Покистонга, барча республикаларга бордик. Ҳамма жойда олқишлар олардик ва албатта ўша халқ рақсларидан олиб қайтардилар ва саҳнага қўярдилар. Сафар давомида ҳаммамизни севиб, авайлаб, кулиб-кулдириб, отаонадек тежаб-тергаб олиб бориб-келардилар. «Аввало юриштуришда, муомилада, кийинишда ўрнак бўлинглар, қизларим. Ҳамманинг кўзи сизларда бўлади, саъат жуда нозик, кўзга яқин бўлади», дердилар. Кубага жаҳон ёшлари фестивалига отланганимда опа Москвада касалхонада даволанарди. Кўргани борсам, «сенга битта рақс ўйлаб қўйдим, ҳозир ўргатаман, Кубада ижро этасан» дедилар. Касалхонада янги рақс туғилди ва мен шу рақсни ижро этиб фестивалдан соврин билан қайтдим. Ҳозир опа яратган рақсларни қайта саҳнага қўйяпмиз, Опа хотирасига музей яратаяпмиз. Саксон йиллик тўйларини ўзларига, номларига яраша кутиб олиш ҳаракатидамиз.

Бахтиёр Алиев — «Баҳор» ансамблининг мусиқа раҳбари, Ўзбекистон халқ академияси аъзоси, Ўзбекистон халқ артисти:

— «Баҳор»да опахонимиз билан баравар иш бошлаган эдик. Бунақа куюнчак, бунақа фикри бой, бунақа одамохун, ўғил бола аёл қам бўлса керак. Ўнлаб, юзлаб рақсларга куй яратган бўлсам, ҳаммасига Мукаррама опанинг фикри, ҳиссаси, далдаси қўшилган. Ҳар куни битта рақс ярата оладиган моҳир ижодкор эдилар. Қишига илҳом бера олар, яратишга, ишлашга йўналтира билар эдилар. Эҳ, опахоннинг бизга қилган яхшиликлари-чи, ҳаммамизга шаҳар марказидан уй олиб берганлар. Боламизни боғчага жойлашга ҳам опа аралашиб, ишни тез ҳал қилардилар. Ҳаммамизни ўқишга даъват этиб, керак бўлса ёрдам берардилар. «Баҳор» қизларининг ҳаммаси олий маълумот олган. Яхши-да, масалан Францияга борганимизда Маъмурахон ўзи конферанслик қилди. Чет тиллар олийгоҳининг француз тили факультетини битирган-да. Опа бизни ҳимоя қила биларди, ишонарди. «Менинг болаларим академик бўлади» дердилар. Яқинда халқ академияси аъзолигига қабул қилинганимда опанинг башоратини эслаб, хотираси олдида бош эгдим. Худо раҳмат қилсин, опани. Мукаррама Турғунбоева халққа хизмат қилди, унинг хотираси абадий яшайди.

Тожихон Мусаева — чевар: Раққоса жуда гўзал кийина билиши керак, дердилар опа. Рақснинг жозибали чиқишида кийимнинг эллик фоиз ҳиссаси бор. Сиз ҳеч эринмай жуда бежирим кийимлар тикинг, Тожихон, дердилар. Қўлимдан чиққан ҳар бир либосни ўзлари бирма-бир кўздан кечирардилар. Айникса, опанинг одамгарчилигига қойил қолардим. Бир куни денг ўзлари чет элга кетаяптилар. Бирга бориб, бадиий буюмлар фабрикасидан дўппи олдик. Шу орада «Болалар дунёси» дўконига кириб, чиройли кийим-кечаклар харид қилдилар. Ҳа, десам, Ғайратжон фарзанд кўрибди, биррови йўқлаб чиқайлик, дедилар. Ғайратжон опанинг машинасига шофёр эди. Қаранг-ки, вақтлари тиғиз, ишлари кўп бўлса-да, бировни йўқлаб кўйишни сира-сира унутмасдилар. Ҳаммамизнинг тўйимизни ўзлари бош бўлиб ўтказганлар. Яхши-ёмон кунларимизда доим ёнимизда эдилар.

Санъат МАҲМУДОВА.

ИШЛАР ЖОНЛАНАЯПТИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Қизил яримой жамияти фаолиятини кучайтириш тўғрисида фармонидан сўнг Бувайда район ҳокимлиги бу муассаса фаолиятини кучайтириш юзасидан бир мунча тадбирларни амалга оширди. Чунончи, ёш, ишчан шифокор Йўлдошали Ҳасанов Қизил яримой жамиятига бошлиқ қилиб тайинланди. Й. Ҳасановнинг ташкилочилиги туфайли фаоллар билан ишлаш яхшиланди. Иккинчи бир одамнинг кўмагисиз ҳаракат қилолмайдиган ногиронлар билан ишлаш анча жонланди. Район хайрия ўн кунлиги ўтказилди. 123-автокорхона, марказий шифохона, район соқчилар бўлими ва санэпидемстанция ходимлари, айниқса бу хайрли ишда фаол иштирок қилдилар.

Қизил яримой жамияти ўз жамғармасидан ёрдамга муҳтож кексалар ва ёшларга ёрдам учун маблағ ажратмоқда. Уч нафар ёш ногиронларга 5000 сўм миқдорида ёрдам кўрсатилди. Уларга «Семашко» санаторийсида даволанишлари учун бепул йўлланма берилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган ёшларнинг никоҳ тўйларини ўтказиш, уруш ва меҳнат ногиронларини ижтимоий ҳимоялаш каби тадбирларда ҳам Қизил яримой жамияти озиқ-овқат, кийим-кечак билан кўмаклашмоқда.

К. ТУРСУНОВ,
Фарғона вилояти, Бувайда район фахрийлар Кенгаши раисининг ўринбосари.

БЕЛЛАШУВДА

МЕН ўз тилим билан бир одам бўлсам, ўзгалар тилини билишим билан яна шунча одамман, деган экан донишмандлардан бири. Ҳа, тил билганга нима етсин. Айниқса, ҳозирги кунда замоннинг олди кишиси бўлиш учун камида уч тилни билмоқ керак. Худди мана шу мақсадда ҳозирги ёшларимиз орасида чет тилларни ўрганишга қизиқиш кунма-кун ошиб бормоқда. Қолаверса бир неча йиллардан бери республикамизда «Талаба-ёшларнинг чет тиллари бўйича ўтказиладиган анъанавий олимпиада мусобақалари» ҳам улар орасидан билимга чанқоқ истеъдодларни кашф қилиб бормоқда.

Яқинда Тошкент Давлат университетида бўлиб ўтган навбатдаги мусобака ҳам қизғин бир вазиятда ўтди. Ушбу олимпиаданинг ташкилий қўмита раиси, доцент Дилором Рашидова билан ушбу мусобақа хулосалари ҳақида суҳбатлашдик.

— Дилором опа, ҳозирги кунимизнинг энг катта вазифаларидан бири ёшларни зукко, билимли, қолаверса замон билан бўйлаша оладиган инсон бўлиб етишувига кўмак беришдан иборат. Жаҳон тиллари эса ана шу бўйлашишнинг пиллапоялари ҳисобланади. Бу йилги мусобақа қатнашчилари ҳақидаги таассуротларингиз қандай бўлди?

— Бу йил талаба-ёшларнинг олимпиада мусобақасига республикамизнинг турли вилоятларидан турфа миллат ёшлари иштирок этишди. Мусобакада асосан жаҳон тиллари ҳисобланган инглиз, фаранг, олмон тиллари бўйича беллашув бўлди. Мусобақа натижалари қувончли. Кўриниб турибдики, ёшларимизнинг дунёқарашлари, фикрлари ўсиб бораётир.

— Мусобақа савол-жавоблари да ҳам ўзгаришлар бўлгандир?

— Ўтган йиллари факат ёзма равишда синов олиб борилган бўлса, энди илмий-оммавий мавзуни таржима қилиш, эшиттирилган матнлар бўйича тест саволлари, оғзаки суҳбатлар тарзида ўтказилди.

— Дилором опа, мусобакада ўзбек ёшларининг фаоллиги, қатнашуви қандай бўлди?

Тўғрисини айтиш керак, аввал ўзбек болалари рус тили билан ўралашиб қолар, натижада жаҳон тилларига йўл ҳам бўлмасди. Бу мусобакада ёшларимизнинг ҳаракатларини, интилишларини кўриб жуда қувондик. Улар юқори поғоналарга интилиб бораётир. Ўзбек талабаларимиздан Раҳматуллаева Тамила, Файзуллаева Юлдуз, Юсупова Тамила, Ҳасанова Феруза, Аҳмаджонова Барно, Мухторова Юлдуз, Одилов Нодир, Абдуллаева Юлия кабилар фахрли ўринларни эгаллаб кўпчиликнинг олкишига сазовор бўлди.

— Мусобақа голиблари қандай рағбатлантирилди?

— Голибларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг истеъдодли ёшларни рағбатлантириш учун 1993 йил 5 февраль фармонига мувофиқ таъсис этилган давлат стипендиялари берилади.

Суҳбатдош: Зебо АҲРОРОВА.

ЧЎПОНЛАРНИНГ ҚУВОНЧ ВА ТАШВИШЛАРИ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН Республикасининг жанубида жойлашган «Бухон-Мерей» совхози қоракўлчилик, туя ва йилқичиликка ихтисослашган. Салкам ярим миллион гектар яйловларга, шу жумладан 1,5 минг гектар экин майдонларига эга. Чорвачиликни ривожлантириш учун етарли имкониятлар бор. Давлат хўжалигида 32 минг бош қўй, 962 бош йилқи, 1040 бош туя боқилаяпти. Ўзбекистон президенти И. А. Каримовнинг фармонига биноан чорва маҳсулотлари харид нархи оширилганлиги мазкур давлат хўжалигидаги ярим мингга яқин чорвадорлар моддий манфаатдорлигини ҳам кескин орттирди, маошлар 10 ҳисса кўпайди. Совхоз 5 миллион сўм соф фойда ола бошлади.

Олисдаги чорвадорлар ҳаёти, турмуш тарзи билан яқиндан танишиш мақсадида Қизилқум яйловларига йўл олдик. Ҳамроҳимиз совхоз касаба уюшмаси қўмитаси раиси Султонмурод Найзабоев асли чорвадор. Давлат хўжалиги ташкил топган 20 йилдан бери касаба уюшмасига узлуксиз раҳбарлик қилиб келаяпти.

Совхоз марказидан 250 километр узоқдаги «Қорабой труба» яйловидамиз. Бу ерда Телебой Дармонқулов отари жойлашган. Полвонкелбат, аммо серҳаракат йигит Телебой билан суҳбатлашамиз. Унга чўпонлик ота мерос экан. Дадаси Темир оқсоқол ярим аср сурув изидан юриб асло кам бўлмаган. Ҳозир кексалик гаштини сураётган бўлса ҳам вақти-вақти билан ёш чўпонларга ўгит-маслаҳатлар бериб туради. Ота касбини эъзозлаган Телебой қўзилатиш мавсумини кўнгилдагидек ўтказибди. Ҳар совлиқдан биттадан, жами 426 қўзи олибди. Шундан 80 фоизи ўстиришга қолдирилган.

— Бу йилги баҳор худди ўтган йилдагидек жуда серташвиш келди,— дейди Телебой,— Нақ қўзилатиш авжига чиққанида совуқ тушса бўладими? Март ойининг иккинчи ўн кунлигида тунлари 10—12 даража совуқ бўлди. Мавсумга пухта ҳозирлик қилиб қўйганимиз жуда қўл келди. Қўралар барвақт тайёрланган эди, етарли ем-хашак ғамланди. Совхоз маъмурияти, касаба уюшмаси қўмитасига раҳмат, ҳол-аҳволимиздан тез-тез хабар олиб турди. Меъёрлаштирилган озиқ-овқатлар ўз вақтида келтирилаяпти.

Биз Телебойнинг шу кеча-кундуздаги ишлари билан қизиқдик.

Баҳорнинг серёғин бўлганлиги туфайли яйловда ўт сероб. Қўй-қўзиларни кўпроқ сурувда боқишимиз керак. Бу қўшимча салмоқ олишга имкон беради, моллар соғлом, беталофат ўсади. Умуман ишмизнинг серунум бўлиши оиламиз даромади мўл-кўллигини таъминлаяпти. Режадан ортиқ олинган 5 қўйга бир бош қўй мукофотга берилади. Аммо, биз чўпон-чўлиқларнинг бир орзуси рўёбга чиқмаётгани қийнаяпти. Ҳалигача ов милтиғи билан таъминлаш масаласи ҳал этилмаётир. Қорақалпоғистон Ички ишлар вазирлигидан рухсат ола олмаётирмиз. Ўзингиз бир бундай ўйлаб кўринг-а, марказдан 200—350 километр узоқликда бўлсак, бийдай саҳрода яшасак, қашқирлар ҳам кўпайиб қолди. Сурувларга ҳужум қилиш ҳоллари содир бўлаётир...

Шу куни «Жайловбой труба» яйловидаги Иноят Ибраев, «Мойтруба» яйловидаги Ерхон Узоқбоевларнинг отарларида ҳам бўлдик. Улар ҳам қўзилатиш мавсумини кўнгилдагидек якунлашган экан.

— Бозор муносабатларига ўтишнинг кучли довули бизга ҳам ўз таъсирини ўтказди, — дейди қирқ йилдан буён чўпон таёғини маҳкам ушлаб келаётган тажрибакор чўпон Иноят Ибраев,— қимматчилик бизни ҳам четлаб ўтмади. Ёнилғи, ем-хашак... деганларидек. Шукур, кундалик ғамхўрликни ҳис қилиб турибмиз. Мамлакатимиз Президенти И. А. Каримовнинг саъй ҳаракатлари туфайли тинчлик сақланаяпти. Ишқилиб, хотиримиз жам. Шу боис совхозимиз бўйича қўзилатиш яхши ўтди. Менинг отаримда 635 қўй бор, шундан 510 нафар совлиқ тугал туғди. Бир отардан икки отар вужудга келтиришни мақсад қилиб, олинган қўзиларнинг 80 фоизини ўстиришга қўйдик. Бир муаммо ҳақида тўхталмоқчиман: икки йилдан бери қирқилган жун, қоракўл тери омборларда бефойда ётибди. Натижада қўшимча даромадларни ололмаяпмиз...

Кекса чўпоннинг ҳақли талабларига Султонмурод Найзабоев аниқлик киритди:

— Тўғри, жун Нукус ўтов учун кигиз босиш комбинатига топширилган. 1196 дона қоракўл тери совхоз омборида турибди. Сотиш борасида баъзи муаммолар ечилмаган эди. Биз бу масалаларни тегишли ташкилотлар олдига кўндаланг қўйганмиз. Муаммолар тезда ечимини топади, албатта.

Яйловларни оралар эканмиз, совхозда қўзилатиш мавсумига пухта ҳозирлик кўрилганлигининг гувоҳи бўлдик. Касаба уюшмаси қўмитаси ташаббуси билан илгариги 8 та фермалар ўрнига 70 та оилавий пудратчилар жамоалари ташкил этилган. Жами қўй-қўзилар уларга тақсимлаб берилган. Масъулият ошган, пировард натижа учун кураш авж олган. Энг муҳими, ижарадорларнинг моддий манфаатдорлиги бир йилдаёқ 12 марта ошганлиги, соғлом қўзиларни ўтган йилга нисбатан 6 минг бошга кўп олинганлиги бўлди. Шундай қилиб, совхозда икки йилда қўй-қўзилар бош сонини 50 мингтага етказиш юзасидан ишлаб чиқилган тадбирнинг рўёбга чиқишига ҳамма асослар бор.

Совхозда туячилик ва йилқичилик ҳам салмоқли ўрин тутади. Ана шу соҳа заҳматкашлари ҳузурига йўл олдик. Совхоз марказидан 340 километр узоқликдаги «Нисон» яйловидамиз. Йилқи-ю қулунлар боқилаётган Тошчўққи, «Дўнгелак», «Менгеш», Аччиқбазан, Бийтлеу, Бегжон яйловлари ҳам шу ердан унча узоқ эмас. Олий маълумотли зоотехник Ғаффор Алламбетовнинг ҳузуридамиз. Ғаффор турмуш ўртоғи Ирисгул билан бирга 85 бош йилқиларни оилавий пудрат асосида парвариш қилаётган экан.

— Йилқибоқарлик ўта мураккаб касб,— дейди Ғаффор.— Айниқса, биз парвариш қилаётган қулунлайдиган йилқиларнинг ҳар бирига доимо кўз-қулоқ бўлиб туриш даркор. Бир сўз билан айтганда бепарволикка бутунлай чек қўйиб, мулкчилик туйғусини шакллантириш лозим. Ҳар ким умумники эмас, балки ўзимники деб астойдил меҳнат қилсин. 85 бош йилқилар яқинда қулунлайди. Кўз тегмасин, ишларимиз яхши. Мана, қўшни яйловдаги Жойловбой Келимбетов ҳам турмуш ўртоғи Жойдармон билан бирга 215 бош йилқиларни оилавий пудрат асосида боқаяпти. Ҳар бир йилқини кўз қорачиғидек асрайди. Асло кам бўлаётгани йўқ. Оиласи билан ойига 18—20 минг сўмдан маош олаяпти.

Биз Ғаффордан олий маълумотли мутахассис сифатида тўлқинлантираётган масалалар ҳақида ҳам ўртоқлашишни ўтиндик.

— Муаммолар дейсизми? Ҳозирги қийин шароитда улар керагидан ҳам ортиқ. Тезроқ замон яхшиланиб, дориломон даврлар келишидан умидвормиз. Бунинг учун барча ўз ўрнини топиб, ҳалол, сифатли, унумли ишлаши, мўлкўлчилик учун ҳисса қўшиши керак бўлади. Мана, мен ҳам ўз ўрним — йилқибоқарликда деб виждонан ҳис қилдим. Баҳри-дилим очилиб меҳнат қилаяпман. Аммо, ҳали ҳам айрим раҳбарларимизнинг ишига совуққонлиги бизни ажаблантиради. Туя-йилқичилик бўлгач, албатта қимиз, шубот ишлаб чиқариш керак-да! 1983 йил шундай шифобахш ичимликни саноат асосида тайёрлашга бел боғланди. Махсус цех қурилиши бошланди. Асосий биноси битганига ҳам 7 йил бўлди-ёв,— Ғаффор ҳамроҳимиз С. Найзабоевга юзланди,— Султон оға, цех ишга тушганида ой сайин 10 тонна қимиз, 15 тонна шубот етказиб берардик. Шундай эмасми?

— Ҳа, тўғри. 2100 бошдан кўпроқ туя ва йилқи боқаяпмиз. Ойига 30 тонна қимиз ва шубот ҳозирлаб, район касалхоналарини, иккита санаторий-профилакторийларни ана шу дармон дори билан тўла таъминлашни режалаштирган эдик. Бахтга қарши «Қорақалпоғистон Агроқурилиш бирлашмаси қимиз ва шубот цехини ўн йил бўлибдики, фойдаланишга топширолмаяпти. Афсус, зарур асбоб-ускуналар топилмаётган эмиш. Бу иш билан район ҳокимлиги изчил шуғулланаяпти.

Шу куни «Чуқурқоқ» овулига етиб келдик. «Нукус-Учқудуқ» магистрал тош йўлининг шундайгина бўйида жойлашган мўъжазгина овулда 72 нафар оила истиқомат қилади. Бу ерда участка касалхонаси, мактаб бор. Овул аҳолиси сув масаласида икки томонлама қийналишаяпти. Биринчиси: тоза ичимлик суви. Қоратоғдан бошланган водопровод линиясининг 40-нчи километригача қувурлар ётқизилганича иш бундан 4 йил олдин қолиб кетган. Сув муаммосининг иккинчиси: Аёзқалъа насос станциясидан ўзани олинган республикадаги энг йирик Оқчадарё коллекторининг иккинчи навбати ҳам тўхтаб қолди. Тўрткўл, Беруний ва Элликқалъа районлари ер ости оқава сувлари Чуқурқоқ овулига 7 километр қолганда кўлоблар пайдо қилиб оқиб ётибди. Магистрал асфальт йўлни ювиб кетиш хавфи туғилаяпти. Йўлга қурилаётган кўприк эса, мана бир йилдирки, туя гўшти еганича қимирламасдан ётибди. «Қолган ишга қор ёғар» ибораси совхоздаги яна бир объектда ўз ифодасини топди. Бундан беш йил олдин чорвадорлар овули Чуқурқоқга олиб борадиган 110 километр узунликдаги «Тўрткўл-Бегористон» асфальт йўли қурилиши ҳам 28-километрга етгач таққа тўхтаб қолди.

Қизилқум яйловларидан турфа таассуротлар таъсири билан қайтдик. Оғир, қийин шароитларда яратувчанлик меҳнати билан машғул бўлиб, тўкинчилик учун салмоқли ҳисса қўшаётган заҳматкаш чорвадорларга миннатдорчилик ҳисси қалбларимизда лиммо-лим эди. Шу билан баробар олис-олислардаги чорвадорларнинг ҳақли талаблари жуда қисқа муддатларда ҳал этилишидан умидвор бўлиб қоламиз.

Зеро, қарс икки қўлдан чиқади, дейдилар.

Абдураҳмон ИСКАНДАРОВ,
«Ишонч» мухбири.

ҚАШҚАДАРЁ ЯНГИЛИКЛАРИ

● ҚАШҚАДАРЁ вилоят ҳокимининг қарорига биноан вилоят оммавий ахборот воситалари тизимида ишловчи журналистлар ва Ёзувчилар, уюшмаси аъзоларига хизмат вазифасини бажариш учун жамоат транспортидан (таксидан ташқари) бепул фойдаланиш ҳуқуқи берилди. Вилоят раҳбариятининг бу ғамхўрлигидан қалам аҳли беҳад мамнун.

* * *

